

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Наманган Давлат университети**

# ПАЛЕОГРАФИЯ

## *(маърузалар матни)*

# Кафедрада муҳокама қилинган ва маъқулланган. баённома, « » йил.

## Ватан тарихи кафедраси мудири:

Болтабоев С.

Тарих факультети ўкув-услубий кенгашыда мұхокама этилган ва нашрға тавсия этилган.

## Үүкүв-үслүбий кенгаш раиси:

## Наманган - 2004

## **1-мавзу: Палеография фани ҳақида маълумот. Палеографиянинг мақсад ва вазифалари. 2 соат**

### **Режа:**

1. «Палеография» сўзининг маъноси
2. Палеография фанининг обьекти
3. Палеография фанининг вазифалари
4. Палеография фанининг иш услуби

Палеография сўзи истилоҳ сифатида иккита юононча сўздан ташкил топган: «палайос»-қадимги ва «графо»-ёзаман. Палеография фани қўлёзма манбаларнинг ташқи белги-хусусиятларини тарихий ривожланишда ўрганади.

Палеография фани ўрганадиган у ёки бу қўлёзма манбанинг ташқи белги-хусусиятлари қуйидагилардан иборат: қўлёзма ҳарфлари, бу ҳарфларнинг ёзилиш хусусиятлари, ёзув тури, қўлёzmанинг материали, ёзув куроллари, қўлёзмада ишлатилган безаклар, қўлёзма ёзилган сиёҳ, қўлёzmадаги тамғалар, муҳрлар, қўлёzmанинг формати, қўлёзма муқоваси ва бошқа ташқи белгилар.

Палеографиянинг вазифаси қуйидагилардан иборат: ҳарфларнинг графикаси, хусусиятларини, ҳарфларнинг ривожланишини, ёзувнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, қўлёzmадаги матнни хатосиз ўқий олиш; қўлёзма манбанинг ёзилган вақтини аниқлаш; қўлёзма яратилган ҳудудни аниқлаш; қўлёзма ким томонидан ёзилганлигини белгилаш; қўлёzmанинг асл нусха ёки қалбаки эканлигини аниқлаш ва ҳакозо.

Палеография илмий фан сифатида эпиграфика, сфрагистика, нумизматика, хронология, шунингдек манбашунослик фанлари билан узвий боғлиқdir. Бу фанлар бир-бирини ўрганишга ёрдам беради ва ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Палеографиянинг иш услуби: палеографиянинг услуби асосида қўлёзмадаги бир қатор белги-хусусиятлар, масалан, харфларнинг графикаси, ёзувда ишлатилган материал, қўлёзмадаги безаклар, қўлёзмани ёзишда ишлатилган ёзув куроллари устидан ўтказиладиган кузатишлар ётади. Шунингдек бу хусусиятларнинг тарихий бир давр учун ўзаро мос келиш-келмаслигини аниқлаш ҳам бу фаннинг иш услубига киради.

Маълумки, тарихдаги ҳар қандай даврдаги ижтимоий-иктисодий ва маданий-маънавий тараққиёт даражаси ўша даврдаги ёзувнинг ҳолатида ўз изини қолдиради, ёзувнинг хусусиятларини белгилайди. Бошқача айтганда, палеографиянинг тадқиқот обьекти билан қўлёзмаларнинг ташқи белгиларини бир-бири билан боғлайди. Масалан, араб халифалигининг VIII аср ўрталари ва IX аср бошларидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ўша даврдаги ёзувга ўз таъсирини ўтказа олган. Бундан ташқари ўша даврда яратилган қўлёзмаларда ҳам ўзининг изини қолдирган яъни секинлик билан ёзиладиган куфий ёзуви ўрнида давлат муассасаларидаги иш юритишда ундан кўра тезроқ ёзиш имкони бор бўлган насх ёзуви билан алмашган. Шунингдек, қўлёзма ёзиш учун ишлатиладиган ва ўша давр учун ўта қиммат ва камёб ҳисобланган папирусни қоғоз сиқиб чиқарган. Чунки папирус иш юритишдаги бетиним ўсиб бораётган эҳтиёжни қондира олмай қолган эди.

Яна бир мисол: Темурийлар империясининг энг ривожланган даври марказлашган давлатчиликнинг энг юқори даражасига тўғри келади. Бу даврда ёзувнинг энг асосий тури настаълиқ хати ҳисобланарди. Тарихдан маълумки, араб ёзувлари ичida энг гўзал, энг жозибадор ва хаттотдан энг кўп диққат талаб қилувчи ёзув настаълиқ ёзувидир. Тараққиётнинг худди шундай босқичини қўлёзмаларнинг бошқа ташқи белгилари, шу жумладан, ундаги безаклар ҳам босиб ўтган. Бу эса ўз навбатида нафақат маданият тараққиётининг ички шарт-шароитлари, балки ташқи сиёсий ва маданий

алоқаларнинг янада интенсивлашгани билан боғлиқ эди. Бунда эса, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири ва унинг умумтараққиётдаги тутган ўрни масаласини келтириб чиқаради.

Хуллас, палеография фани кўмакчи тарихий фанларнинг энг муҳимларидан ҳисобланади ва тарихни янада чуқур ўрганишда катта аҳамият касб этади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Палеография.
2. Қўлёзма манбанинг ташқи белги-хусусиятлари.
3. Палойос.
4. Қўлёзма.
5. Насх.
6. Настаълик.
7. Куфий ёзуви.
8. Эпиграфика.
9. Сфрагистика.
10. Нумизматика.
11. Хронология.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Палеография» сўзининг истилоҳ сифатида маъноси нима?
2. Палеография фани нимани ўрганади?
3. Қўлёзманинг ташқи белгилари нималардан иборат?
4. Палеографиянинг вазифалари нима?
5. Палеография фан сифатида қайси фанлар билан алоқадор?
6. Палеографиянинг иш услуби деганда нимани тушуниш керак?

## **2-мавзу: Инсоният тарихидаги ёзув турлари. 2 соат**

### **Режа:**

1. Қадимий ёзувлар ҳақида умумий маълумот ва унинг турлари.
2. Пиктографик ёзув.
3. Логографик ёзув.
4. Бўғин ёзуви.
5. Ҳарфий ёзув.
6. Хуласа.

Инсоният тарихида ёзув жуда қадим замонлардан бери мавжуддир. Ибтидоий жамоа даврида одамлар ўз фикрлари, хоҳиш-истакларини, бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабарни турли хил нарса-предметлар ёрдамида ифодалаганлар (етказганлар). Лекин бу хали ёзув ҳисобланмас эди. Маълум муддат вақт ўтганидан кейин у ёки бу фикрни билдира оладиган шартли белгилар пайдо бўлган. Бу шартли белгилардан кейин биз ёзув деб атайдиган ва маълум тизимга эга бўлган белгилар вужудга келган.

Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликда Арабистон ярим оролидаги қадимги давлатлар худудларида миср ва шумер ёзувлари пайдо бўлган. Иккинчи минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Ер денгизи қирғоқларида оссурийлар ва бобилийлар ёзуви шаклланган. Ҳозирги Ҳиндистоннинг Шимолий қисми ва Олд Осиё худудларида эса хинд ёзувига асос солинган. Ундан ҳам кейинроқ, ёзувнинг ғарбий-сомий тизими вужудга келган.

Умуман, инсоният тарихи ёзувнинг тўрт қадимий турини билади:

1. Пиктографик ёзув. Бу истилоҳ лотинча «пиктус»-расм, сурат; «графо»-ёзаман қисмларидан иборат бўлиб, расм ёзув демакдир. Бу ёзувнинг дастлабки шакллари мезеолит ва неолит даврида пайдо бўлган. Одамлар ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини, хоҳиш-истакларини турли расмлар, суратлар орқали бир-бирларига етказганлар. Одамларнинг ўзи чизган бу суратлар ҳарбий юришлар, урушлар, тўқнашувлар, мажбуриятлар, ультиматумлар,

севги-мухаббат борасидаги хабарларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш учун хизмат қилган. Ёзувнинг бу тури жуда катта худудда ва узок муддат ишлатилган. Лекин ёзувнинг бу турида конкрет нарса-ходиса түғрисидаги хабар осон етказилган бўлса-да, абстракт (мавхум) тушунчаларни етказиш учун бу ёзувдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабли ёзувнинг бу тури инсоннинг талабига тўла жавоб берга олмаган.

Лекин шунга қарамай, пиктографик ёзувнинг айрим шакллари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, дарвоза тепасига қўйилган итнинг сурати ҳовлида қопағон ит борлигининг белгисидир. Трансформатор будкаси деворидаги калла суюги расми хатарнинг мавжудлигига ишорадир. Катта қилиб ишланган бармоқ сурати ҳаракат йўналишини билдиради ва ҳоказо.

Вақт ўтиши билан пиктографик ёзув ўрнини ундан мукаммалроқ ва мураккаброқ бўлган логографик ёзув эгаллаган.

2. Логографик ёзув. Бу истилоҳ лотинча «логос» - сўз, мантиқ ва «графо» - ёзаман сўzlаридан шаклланган. Жамият ривожланишда давом этар экан, ҳар бир предмет ёки ҳар бир тушунча шу предмет ёки тушунчанинг сурати ёрдамида ифодалана бошлаган. Демак, ёзувнинг бу турида ифодаланган шакл билан ифодаланиши керак бўлган предмет ёки тушунча ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжуддир. Шунинг учун бу ёзув логографик ёзув деб ном олган. Бу ёзувда масалан, иккита қўлнинг сурати «жангчи», «аскар» маъносини ифодалаган. Агар бир қўлда қалқон, иккинчи қўлда найза сурати бор бўлса, бу «жанг» ёки «жанг қилмоқ» сўzlарини билдирган. «Кўрмоқ» феълини билдириш учун иккита кўз сурати хизмат қилган. «Бахиллик», «очкўзлик» маъносини тимсоҳнинг сурати билдирган. Битта оёқнинг расми «қадам ташламоқ» маъносини ифодаласа, иккита оёқнинг сурати «юрмоқ», «бормоқ» маъноларига тўғри келган. Ёзувнинг бу тури идеография деб ҳам аталади.

Логографик ёзувнинг камчилиги шундан иборатки, бу тур ёзувни ҳамма

ҳам билавермаган. Ундан асосан рухонийлар, давлат тепасидаги амалдорлар, мутахассислар, котиблар ва хаттолар хабардор бўлишган.

3. Бўғин ёзуви. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида ва биринчи минг йилликнинг бошларида илгариги ёзувга нисбатан қулайроқ ва соддароқ бўлган ёзув шакли шакллана бошлаган. Бу ёзувда сўзлар ҳамда айрим содда жумлалар бўғинларни билдирувчи белгилар ёрдамида ифодаланган. Шунинг учун бу ёзув бўғин ёзуви деб аталади. Ёзувнинг бу тури илгариги ёзувлардан қулайроқ бўлган, лекин унинг ҳам ўзига яраша нуқсони бўлган. У ҳам бўлса, бу ёзув асосан сўзлар бир ёки икки бўғиндангина иборат бўлган тиллар учун қулай бўлган. Бундай тилларга ҳинд тилининг айрим тарихдаги вариантлари киради. Шу камчилиги бор бўлгани учун бу ёзув бошқа халқлар орасида кам тарқалган.

Лекин ёзувнинг бу туркумига кирувчи миххат деб аталган ёзув нисбатан кенг тарқалган. Уни эрамиздан аввалги тўртинчи мингийилликнинг охирида Месопотамияда (хозирги Ироқ давлати ҳудуди)да яшаган шумерлар ўйлаб топганлар.

Миххат ёзувидаги элементлар асосан мих ёки пона шаклини эслатгани учун миххат деб ном олган. Миххат эрамиздан аввалги биринчи мингийилликнинг охирларигача бобилийлар, ассирийлар, хеттлар, финикийлар томонидан қўлланиб келинган. Бу ёзувдан Урарту давлати аҳолиси, форслар ва бошқа қўшни халқлар ҳам фойдаланишган.

Миххат ёзуви пиктографик ёзувдан келиб чиқкан. Бу дастлаб италиялик савдогар Пъестро Челла Валле томонидан ўрганилган.

Миххат ёзувлари ичида энг кўп тарқалгани форсий миххатдир. Бу ёзув эрамиздан аввалги VI-IV асрларгача Аҳамонийлар давлати ҳудудида қўлланиб келинган. Бу ёзувдан қўшни давлат халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари ҳам фойдаланишган. Аҳамонийлар давлатининг қулаши билан бу ёзувдан фойдаланиш ҳам камая бошлаган.

4. Ҳарфий ёзув. Ёзувнинг бу турида тилдаги ҳар бир товушга биттадан ҳарф ёки белги түғри келади. Бу тизимдаги ёзув ҳеч бир истиносиз финикийлар, суряликлар ва фаластиналар ижод этган сомий ёзувга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги ЙІ-ІҮ асрларда Қадимги форс давлати девонхоналарида давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар оромий тилида олиб борилган ва бунда финикийлар алифбосининг оромий вариантидан фойдаланганлар. Кейинчалик вакт ўтиши билан бу алифбонинг жуда кўп вариантлари шакллана бошлаган. Бу вариантларнинг бири ҳозиргача энг кўп халқлар томонидан қўлланиб келаётган араб ёзувидир ва квадрат шаклга эга булган яҳудий ёзувидир. Кейинчалик эрамиздан аввалги ІҮ-ІІІ асрларда оромий алифбоси эроний тилларда сўзлашувчи кўпгина халқлар томонидан ишлатиб келинган. Ўрта форс ёзуви ва Парфия ёзуви худди шу тариқа пайдо бўлган. Бу алифбо асосида кейинчалик сўғд ёзуви, хоразмий ёзув ва бошқа ёзувлар пайдо бўлган. Эрамизнинг ЙІІ-ІІІ асрига келиб бу эроний ёзувларни араб ёзуви сиқиб чиқарган.

Бундан ташқари эроний ва Ўрта Осиёдаги Муқаддас китоб учун маҳсус Авесто ёзуви яратилган. Бу ёзув оромий-эроний ёзуви асосига қурилган бўлган.

Европада эса, бу ердаги тиллар учун грек ёзувининг турли вариантлари, хусусан, лотин ёзуви қўлланилган. IX-X асрдаги грек қўлёзма алифбосининг яна бир варианти славян тиллари учун мослаштирилган ва шу тариқа қадимги рус алифбоси-кириллица вужудга келган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёзувнинг кашф этилиши инсоният тарихида жуда катта ҳодиса бўлган. Ёзув воситасида инсон ўзидан узоқда бўлган бошқа инсон билан алоқада бўла олган, шунингдек у ёки бу маълумотни ўзидан кейинги авлодга қолдириш имконига эга бўлган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кобрин В.Б., Леонтьева Г.А., Шорин П.А., Вспомогательные исторические дисциплины, М., Просвещение, 1984.
2. Дьяконов И., История письма, перевод с немецкого, М., 1979
3. Иоганнес Ф., История письма, М., Наука, 1980

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Пиктус.
2. Логос.
3. Пиктографик ёзув.
4. Графо.
5. Идеография.
6. Логографик ёзув.
7. Бўғин ёзуви.
8. Миххат.
9. Форс миххати.
10. Ҳарфий бўғин.
11. Пьетро Челла Валле.
12. Оромий ёзуви.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Кирилл ёзувига қайси ёзув асос қилиб олинган?
2. Авесто ёзувининг пайдо бўлиши қандай?
3. Қадимги форс давлатида қайси ёзувдан фойдаланишган?
4. Миххат ёзуви қайси ёзувга бориб тақалади?
5. Миххат ёзуви ёзувнинг қайси турига мансуб?
6. Миххат ёзуви қачон ва қаерда пайдо бўлган?
7. Миххат ёзувини дастлаб ким ўрганган?
8. Нима учун бўғин ёзуви кенг тарқалмаган?

9. Бўғин ёзуви қачон пайдо бўлган?
10. Логографик ёзув қандай ёзув?
11. Пиктографик ёзув қандай ёзув?
12. Қадимий ёзувлар неча турга бўлинади ва номлари қандай?

### **3-мавзу: Ўрта Осиёдаги қадимги ёзувлар. 2 соат**

#### **Режа:**

1. Ўрта Осиёдаги қадимиј ёзувлар ҳақида умумий маълумот.
2. Паҳлавий ёзуви.
3. Сўғд ёзуви.
4. Бақтрия ёзуви.
5. Парфия ёзуви.
6. Қадимги хоразм ёзуви.
7. Авесто ёзуви.
8. Урхўн-Енисей ёзуви.
9. Уйғур ёзуви.
10. Хулоса.

Ўрта Осиёнинг бизга маълум бўлган энг қадимги халқарини шаклар (саклар) ва массагетлар ташкил этади. Бу халқарнинг ҳам ўз ёзувлари мавжуд бўлган. Ўрта Осиё халқлари билан Ғарбий Осиёдаги давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг қучайиши натижасида Ўрта Осиёга Ғарбий Осиёдан оромий ёзуви кириб келган. Бунгача Ўрта Осиёда форс миххатидан фойдаланишар эди. Оромий ёзуви миххатга қараганда анча содда бўлиб, тахминан йигирмата ҳарфдан иборат бўлган. Эрамиздан аввалги III-II асрларда Хоразм, Бақтрия, Парфия ва Сўғд давлатларида шу оромий ёзуvida китоблар ёзилган. Шунингдек давлат аҳамиятига молик дипломатик хужжатлар ҳам шу ёзувда расмийлаштирилар эди. Бу давлатларда қисман грек ёзуви ҳам истеъмолда бўлган. Оромий ёзуvida хат ўнгдан чапга қараб

ёзилган. Бу ёзувда унли товушларни ифодалаш учун ҳарфлар бўлмаган. Оромий ёзуви заминида форс ёзуви шаклланган.

Умуман, эрамиздан аввалги IY асрдан эрамизнинг IY асригача бўлган даврда Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида ҳам қулдорлик тузуми мавжуд бўлган. Бу ҳудудда ўша даврда бир неча мустақил давлатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ёзувига эга эди. Бу ёзувлар қуидагилардан иборат:

1. Паҳлавий ёзуви. Бу ёзув оромий ёзувидан келиб чиққан энг қадимги ёзувдир. Паҳлавий ёзувининг икки тури мавжуд: 1 Паҳлавий ёзуви, 2. Аршакий ёзуви.

Паҳлавий ёзувидан кейинчалик сўғд ёзуви, эрамизнинг III асрида эса, қадимги хоразм ёзуви шаклланган. Эрамизнинг YI асрида яна шу ёзув асосида Ўрхун-Енисей ёзуви пайдо бўлган.

2. Сўғд ёзуви. Зарафшон дарёси воҳаси ва ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудида Сўғд давлати (грекча номи-Согдиана) мавжуд бўлган. Бу давлат қисман ҳозирги Тожикистоннинг айрим туманларини ҳам ўз ичига олган. Бу давлатда сўғд ёзуви деб аталадиган ёзувдан фойдаланишган. Бу ёзув оромий ёзувининг паҳлавий вариантидан шаклланган.

Сўғд ёзуви кейинчалик вужудга келган уйғур ёзуви, мўғул ёзуви ва манҷур ёзувлари учун асосий элемент бўлиб хизмат қилган. Бу ёзувнинг дастлабки босқичида ҳарфлар алоҳида-алоҳида ёзилган. Вакт ўтиши билан уларни бир-бирига улаб ёзиш расм бўлган.

3. Бақтрия ёзуви. Бу ёзув Бақтрия давлати ҳудудларида амалда қўлланилган. У оромий-паҳлавий ёзуви вариантларидан бири бўлиб, Бақтриядаги маҳаллий сўзлашув тилига мослаб, ислоҳ қилинган ёзувдан иборатdir.

4. Парфия ёзуви. Бу ёзув эрамиздан аввалги III-I асрларда Парфия давлати ҳудудида амалда қўлланилган. Парфия давлати Каспий денгизининг

жанубий - шарқий қирғоқларини ўз ичига олган. Бу худуд аҳолиси парфий тилида сўзлашган. Бу тил эса қадимги форс тили вариантларидан бири бўлган дарий тилига яқин бўлган. Бу тил фонетикаси ва грамматикаси нуқтаи назаридан оромий тилидан фарқ қилган. Шунинг учун бу ёзув ҳам оромий ёзувидан маълум даражада фарқ қилувчи ёзув ҳисобланган.

5. Қадимги хоразм ёзуви. Бу ёзув оромий ёзувига жуда яқин бўлган. Бу алифбо Ахамонийлар династияси давридаги классик оромий ёзуви тармоқларидан бири ҳисобланади ва у ўзида қадимги оромий ёзуви анъаналарини яхшигина сақлаб қолган. Ушбу ёзув эрамизнинг II асригача амалда қўлланиб келган.

6. Авесто ёзуви. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) империяси қулаганидан кейин, Ўрта Осиёдаги давлатлар, шунингдек Парфия, Хоразм давлати, Эрон ўз мустақилликларини қайта қўлга киритганлар. Эронда Сосонийлар династияси давлат тепасига келгач, ўзларининг қадимги муқаддас китоблари бўлган «Авесто»ни қайта тиклаш масалаласи қўтарилиган. Маълумки, ўн икки минг мол терисига ёзилган бу китобни А.Македонский ўз юртига олиб кетган. Унинг фойдали томонларини ўз файласуфларига танишириб, сўнг уни йўқ қилиб юборган эди. Бироқ «Авесто» китоби ёзилган ёзувни ҳеч ким билмагани ва биладиганлардан ҳеч ким ҳаёт эмаслиги сабабли, бу китобни тиклаш мумкин эмас эди. Шу сабабли эрамиздан аввалги YI-III асрларда Эронда мазкур «Авесто» ни қайта яратиш мақсадида янги ёзув ижод қиласилар ва бу ёзув тарихга «Авесто ёзуви» номи билан кирган. Кейинчалик бу ёзув паҳлавий ёзуви билан бир қаторда маҳаллий аҳоли томонидан қўллана бошлаган. Бу ёзувда тилда мавжуд бўлган қисқа ва чўзиқ унлилар грек ёзувида қандай ифодаланса, шундай ифодаланган. Умуман унли товушларни ифодалаш учун эса, ҳарфларнинг сони 35 та бўлган. Бу ёзув қадимги форс тили ҳисобланган дарий тилининг фонетикасини ҳисобга олган холда тузилган бўлгани учун узоқ вақт амалда қўлланиб келинган ва

Эрамизнинг YII асригача-арабларнинг бостириб келгунигача Эрон ҳудудида қўлланиб келинган.

7. Урхун-Енисей ёзуви. Эрамизнинг YI асрига келиб, Ўрта Осиёда Турк хоқонлиги давлати вужудга келди. Бу давлат ғарб томондан Византия билан, жануб томондан Эрон ва Ҳиндистон билан, шарқ томондан Хитой билан чегарадош бўлган. Хуллас, Азов дengизидан Узок Шарққача бўлган улкан территория бу давлатга қарашли бўлган. Бу давлат туркий қабилалар давлати бўлиб, Урхун-Енисей ёзуви бу давлатнинг ёзуви ҳисобланган. Бу ёзув ҳам паҳлавий ёзуви асосида вужудга келган бўлиб, унда сўғд ва оромий ёзувлари элементлари мавжуд бўлган.

8. Уйғур ёзуви. Бу ёзув сўғд ёзуви вариантларидан бири бўлган ва Урхун-Енисей ёзуви билан параллель қўлланиб келган. XIY-XVI асрларда мўғуллар мўғул тили хусусиятларини ҳисобга олиб бу ёзувни ислоҳ қилишган ва мўғул тили ёзувини яратишган. Кейинчалик уйғур ва мўғул ёзуви асосида манҷур, ойрот, бурят тиллари ёзуви вужудга келган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар қадимдан ўзларининг мустақил давлатларига эга бўлганлар. Шунингдек давлатчиликнинг муҳим элементларидан бири бўлган ёзув масаласи ҳам бу ҳудудларда ижобий ҳал қилинган бўлган. Ҳар бир давлат ўзининг мустақил ёзувига эга бўлган.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Оромий ёзуви.
2. Саклар ёки шаклар.
3. Массагетлар.
4. Бақтрия.
5. Сўғд давлати.
6. Паҳлавий ёзуви.

7. Сүфд ёзуви.
8. Бақтрия ёзуви.
9. Парфия ёзуви.
10. Авесто ёзуви.
11. Қадимги хоразм ёзуви.
12. Урхун-Енисей ёзуви.
13. Уйгур ёзуви.
14. Мүғул ёзуви.
15. Бурят ёзуви.
16. Дарий тили.

**Назорат учун саволлар:**

1. Ўрта Осиё ахолиси қадимда қайси элатлардан иборат бўлган?
2. Ўрта Осиёга Ғарбий Осиёдан қайси ёзув кириб келган?
3. Оромий ёзувида нечта ҳарф мавжуд бўлган?
4. Эрамизнинг ІҮ асригача Ўрта Осиёда қандай давлатлар бор эди?
5. Паҳлавий ёзуви неча вариантдан иборат?
6. Паҳлавий ёзувидан эрамизнинг III асирида қайси ёзув шаклланган?
7. Суғд ёзуви қайси худудда бўлган?
8. Авесто ёзуви қандай пайдо бўлган?
9. Авесто ёзуви қачон пайдо бўлган?
10. Урхун-Енисей ёзуви қайси давлатнинг ёз унив бўлган?
11. Турк хоқонлиги қайси давлатлар билан чегара дош бўлган?

**4-мавзу: Араб ёзувининг вужудга келиши, ривожланиши  
ва унинг турлари. 2 соат**

**Режа:**

1. Араб ёзувининг пайдо бўлиши.

2. Араб ёзувида ўтказилган ислоҳотлар.

3. Араб ёзуви турларининг шаклланиши:

- а) куфий ёзуви;
- б) муҳаққақ ёзуви;
- в) райҳоний ёзуви;
- г) сулс ёзуви;
- д) тавқиъ ёзуви;
- е) риқо ёзуви;
- ж) насх ёзуви;
- з) таълиқ ёзуви;
- и) шикастайи таълиқ;

4. Хулоса

Эрамизнинг дастлабки йилларида Арабистон ярим оролининг шимолий-гарбий қисмида Набатийлар давлати мавжуд эди ва бу давлатнинг ёзуви оромий ёзуви эди. Бу ёзув набатийлар давлатида ишлатилганлиги сабабли набатийлар ёзуви деб ҳам аталган. Бу алифбо 22 белгидан иборат бўлган. Кейинчалик бу алифбодан ҳозирги кунда Африканинг шимолий-гарбий қисмидан Ҳиндистонгача бўлган улкан худудда амалда қўлланиб келинаётган ва араб ёзуви деб аталадиган ёзув шаклланган.

Илк араб ёзувининг энг қадимги ёдгорликлари Жанубий Суриядан топилган битиклар бўлиб, улар эрамизнинг ЙУ-ҮІ асрига мансубдир.

Эрамизнинг Ү-ҮІ асрига келиб, араб ёзуви Шимолий Африкага ҳам тарқалган эди.

Араблар ҳаётидаги энг улкан ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий бурилиш ҮІ асрнинг бошларида вужудга келган ислом таълимотидир. Бу таълимотнинг бешиги ўша даврдаёқ умуарараб аҳамиятига эга бўлган савдо маркази Макка шахридир. Ислом таълимотининг ва унинг биринчи китоби бўлган Қуръони Каримнинг шарофати билан деярли саводсиз ҳисобланган

кўчманчи араблар жуда бой ва ранг-баранг ёзувга эга бўлган, цивилизациялашган ва маданий халқقا айланган. Шунинг учун ҳам Қуръон яъни китобларнинг онаси деб аталади.

Ислом дини илдиз отиб, аҳоли бу динга эътиқод қилишга бошлаганидан кейин, Қуръон ва арабларнинг ўша даврдаги оғзаки шеърияти асосида араб адабий тили шаклана бошлаган. Арабларнинг ҳарбий соҳадаги қўлга киритган ютуклари, ислом динининг қўшни ҳудудларда тарқалиши араб тилининг обрў-эътиборини кучайтирган. VII аср охирида (685-705 йй.) халифа Абдулмалик даврида (унгача тўртта дастлабки халифалар ва Муовия, Язид, Марвонлар халифалик қилишган эди) халифаликнинг пойтахти Дамашқда барча давлат муассасалари ва расмий ёзишмаларни фақат араб тилида олиб бориш ҳакида фармон қабул қилинди ва бу фармон халифаликнинг барча ҳудудлари учун умумий деб эълон қилинди. Чикарилган бу фармон араб тили ва ёзувининг жамиятда тутган мавқенини янада мустаҳкамлади.

Араб тилининг ривожланиши, унинг халифаликка тобе бўлган ҳудудларда кенг тарқалиши араб ёзуви ва унинг орфографиясини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бу нарса эса, ёзувда ислоҳ ўтказиш масаласини кўндаланг кўйди. Бу ислоҳни амалга оширишда ўша даврда Ироқнинг ҳукмдори бўлган Ал-Ҳажжожнинг ташаббуси ва хизмати улкан бўлган. Ёзувда ўтказилган бу ислоҳотнинг вақти аниқ билинган эмас. Эҳтимол у босқичма-босқич узоқ муддат давомида амалга оширилган ва 680 йилдан 780 йилгacha бўлган даврни ўз ичига олган. Умуман араб ёзувида ўша даврда ўтказилган ислоҳотнинг моҳияти қисқача қуидагилардан иборат:

Юқорида айтганимиздек, набатий ёзувида 22 та ҳарф мавжуд бўлган. Бу ҳарфлар орасида 4 та ҳарф шаклан жуда ўхшаш бўлган. Улар деярли бир хил ёзилган. Илк араб ёзувида бу ҳарфларни бир-биридан фарқлаш учун уларнинг устига ёки остига нукталар қўйиш жорий этилган. Шундан кейин бу

ҳарфларнинг шакли бир хил ёзилаверган ва улар фақат тепа ёки пастдаги нуқталар ва уларнинг сони билангина фарқланган. Ҳудда шундай услугуб билан набатий тилида бўлмаган, лекин араб тилида мавжуд бўлган ундош товушлар учун еттига ҳарф ижод этилган. Набатий ёзувидаги битта ҳарф араб тилида йўқ бўлган товушни ифодалаганлиги учун у истеъмолдан чиқариб юборилган. Шундай қилиб 28 та ҳарфдан иборат бўлган араб ёзуви шаклланган. Бу ёзувидаги бир-биридан шаклан фарқ қиласидиган ҳарфлар набатий ёзуvida бўлгани каби 15 тадир.

Набатий ёзуvida сўз таркибидаги ҳарфлар асосан бир томондан улаб ёзилган. Илк араб ёзуvida эса, ҳарфларнинг кўпчилиги ҳар икки томондан кўшиб ёзилган. Шу сабабли шаклланиб такомилига етган араб ёзуvida ҳар бир ҳарфнинг сўз бошида, ўртасида, охирида ёзиладиган ва алоҳида шакллари ишлаб чиқилган ва амалда қўллана бошлаган. Истисно тариқасида 6 та ҳарф илгариги хусусиятини сақлаб қолган ва улар факат ўнг томондаги ҳарф билан қўшиб ёзилади. Шунинг учун уларнинг иккитагина шакли мавжуд. Шундай қилиб, араб ёзувидаги 28 ҳарфнинг 100 та кўриниши шаклланган.

Илк араб ёзуvida айрим ҳарфларга нуқталарнинг қўйилиши, кўпчилик ҳарфларнинг ҳар икки томондан қўшиб ёзиладиган шаклларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ҳарфларнинг ўзаро катта-кичиклик нормалари ҳам ишлаб чиқилган.

Набатий ёзуvida чўзиқ унлилар ҳарфлар ёрдамида ифодаланар эди. Бу қоида араб ёзуvida ҳам сақлаб қолинган. Шунинг учун араб ёзувидаги \_\_, \_\_, \_\_ ҳарфлари ундош товушларни ифодалаш билан бирга чўзиқ а, у, и унлиларни ҳам ифодалайдиган бўлган.

Қисқа унлилар эса, алоҳида ҳарфлар ёрдамида эмас, балки шу унлилардан олдинги ҳарфларнинг остига ёки устига қўйиладиган забар, зер, печ ҳаракатлари билан ифодаланадиган бўлган. Бу ҳаракатлардан ташқари

турли вазифаларни бажарувчи бир неча қўшимча ҳаракатлар ҳам жорий этилган.

Шундай қилиб, Қуръон ва ўша давр оғзаки поэзияси талаффуз нормаларига тўла жавоб бера оладиган ёзув ишлаб чиқилган. Арабларнинг бу ёзув системаси YII асрнинг ўрталарига келиб, такомилига етган.

Шу тариқа араблар четдан олиб кирган ёзувни такомиллаштириш йўли билан келажакда ёзма ёдгорликларни яратиш учун жуда қулай ва ихчам ёзувга эга бўлганлар. Бунда ҳар бир ундош товушни ифодалаш учун алоҳида ҳарф мавжуд бўлган. Унли товушлар ҳам қўшимча белгилар ёрдамида ёзилиш имконига эга бўлган. Бундан ташқари бу ёзув ихчамлиги боис тежамкор хисобланган. Бу эса араб тилида китоб ёзиш анъанасининг шаклланишида муҳим шартлардан бири бўлган.

Араблар хукмронлигининг кенгайиши, арабларнинг бошқа араб бўлмаган ҳудудларга тарқалиши, араб тили ва ислом динининг босиб олинган ўлкаларнинг зиёли аҳолиси орасида ёйилиши, араб тилининг давлат тили сифатида мавқеининг мустаҳкамланиши ва ниҳоят араб ёзувида имло қоидаларининг ишлаб чиқилиши-буларнинг ҳаммаси араб ёзувида имло қоидаларининг ишлаб чиқилиши-буларнинг ҳаммаси араб ёзувининг келажакда янада кенг тарқалишига замин яратган.

XI асрда арабларда шаклланаган фикрга кўра, араб ёзувининг дастлабки босқичида факат куфий ёзуви мавжуд бўлган. Қуръони каримнинг дастлабки нусхалари шу ёзувда кўчирилган. Бу ёзув 4-халифа Али ибн Толиб томонидан такомилига етказилган. Араб графикасидаги бошқа хат турлари шу куфий ёзуви асосида кейинчалик шаклланган хат турларидир.

Х асрга келиб араб ёзуви яна ислоҳ қилинган. Бу ислоҳ Али Муҳаммад ибн Али ибн Муқла (272-328)-(886-940) номи билан боғлиқ. Бу киши уч аббосий халифа қўлида вазирлик лавозимида ишлаган. У куфий хати асосида шарқ оламида кейинчалик машҳур бўлиб кетган олти хат турини яратган

олимдир: мұхаққақ, сұлс, риқо, насх, тавқиъ ва райхоний хат турлари. Ибн Муқланинг бу ишини Эронлик олим Али ибн Ҳилол давом эттирган. Унинг тахаллуси Ибн Баввоб бўлган ва у 413-1022 йилда вафот этган. У Шероздаги машхур кутубхонада ходим бўлиб ишлаган. Ислоҳот ишини ундан кейин давом эттирган шахс сўнгги аббосий халифа саройида хаттот бўлиб ишлаган Ёқут Мустаъсимийдир (640-696)-(1242-1298 йй.)

Ибн Муқланинг яратган системаси аниқ математик ҳисоб-китобга асосланган мутаносиблиқ асосида қурилган. Бунда ҳарфларнинг шакли, диаметри алиф ҳарфига teng бўлган айлана ичига жойлаштирилган квадрат, беш бурчакка қиёслаб яратилган. Бу ҳарфларнинг модули эса, қамишқаламнинг бир ҳаракати билан ҳосил қилинган ромбик шаклидаги нуқтадир. Бу нуқталарнинг сони билан ҳарфларнинг катта-кичиклиги аниқланган. Умуман Ибн Муқланинг бу тизимида ҳарфларнинг шакли ва размери алифнинг узунлигига teng бўлган ромбик нуқталарнинг сони билан аниқланган. Натижада Ибн Муқла яратган олти хат турининг ҳаммасида ҳарфларнинг ёзувдаги ўрни, уларнинг ҳажми илмий жиҳатдан аниқлаб берилган.

Умуман, хаттотлар ва қалам сохиблари орасида энг кўп тарқалган ва энг эътиборли саналган хат турлари қўйидагилардан иборатдир:

### 1. Куфий ёзуви ёки хатти куфий-

Куфий ёзуви набатий ёзуви асосида шаклланган дастлабки араб ёзувидир. У биринчи марта Куфа шаҳрида ишлатилиб, у ерда ривож топгани учун «куфий» деб ном олган. Араб олимларининг фикрича, (бу олимлар XI асрға мансубдирлар) Қуръоннинг биринчи қўлёзма нусхаси ёзилган бу ёзув тури 4-халифа ҳисобланган Али ибн Абу Толиб томонидан такомиллаштирилган. Натижада ўша даврда турли ёзишмалар, давлат идораларидағи ҳужжатлар ва бошқа ёзув-чизувлар шу ёзувда олиб борилган. Ўша даврдаги қўлёзма китоблар ҳам шу ёзувда яратилган. Кейинчалик эса,

Ибн Муқла ўтказган ислоҳот натижасида вужудга келган бошқа турдаги ёзувлар ўрнини эгаллай бошлаган. XII асрға келиб Сурия, Ироқ, Эрон худудларида куфий ёзуви амалда қўлланишдан тўхтаган. Лекин у умуман истеъмолдан чиқиб кетган эмас. Куфий ёзуви ислом бадиий санъатининг асосий элементларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шу билан боғлиқ ҳолда бу ёзув тури ишлатилиш соҳасига қараб, яна бир неча турга бўлиниб кетган. Масалан, бу хат туридаги ҳарф элементларига гуллар, барглар, кўраклар шакли берилиб, хусниҳат турларида ишлатилган ва унга гулли хатти куфий деб ном берилган. Куфий ёзувидаги ҳарфларнинг ёзилишидаги тўғри чизиклар ўртасидаги тўғри бурчакларга янада ишлов берилган, яъни унинг геометрик шакли қайта ишланган ва ундан турли хил биноларнинг устки қисмидаги безаклар сифатида ишлатила бошлаган. Бунда мазкур хатти куфий, биринчидан, ёзув сифатида маълум тушунчани ифодаласа, иккинчидан, нақш ёки безак сифатида иморатларнинг чиройли чиқиши учун хизмат қилган. Хатти куфийнинг бу тури куфийий банноий-бинокорлик куфий хати деб ном олган.

Куфий ёзувида қабр тошларига турли ёзувлар битилган. Шунингдек, XY асргача қўлёзмаларда асар номи, асар боблари ва қисмлари номи, асар бошланишидаги басмалани ёзишда куфий ёзувидан фойдаланилган.

## 2.Муҳаққақ ёзуви ёки хатти муҳаққақ-

Бу ёзув тури аббосийлар ҳукмронлигининг бошланишида-YII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. У Ироқ худудида пайдо бўлгани сабабли хатти ироқий деб ҳам аталади. Бу ёзув турида ҳарфлардаги эгри чизиклар билан тўғри чизиклар ўртасидаги пропорция 1,4 ва 3,4 га тўғри келади. Муҳаққақ ёзуви катта ҳарфлар билан ёзиладиган матнларга мўлжалланган. Шунинг учун у катта ҳажмдаги Қуръон нусхаларини кўчиришда ишлатилган. Бундан ташқари бошқа битикларда ҳам, агар ҳарфлар воситасида улуғворлик, тантанаворлик ифодалаш зарур бўлган ўринларда шу ёзув туридан

фойдаланилган. Эрон хаттолари томонидан шу ёзув турида яратилган Қуръон нусхалари ўша даврларда катта шухрат қозонган. Хусусан, Амир Темурнинг набираси Бойсунқур Мирзо (ваф.837-1434й.) жуда катта ҳажмдаги Қуръон нусхасини шу ёзувда кўчириб, китоб яратган. Бу Қуръоннинг хар бир варағи 170-101 см ҳажмга эга бўлган.

Яна шуни айтиш жоизки, муҳаққақ ёзувининг ишлатилиш сфераси жуда кенг бўлмаган. Ундан асосан Қуръон нусхаларини кўчиришда, хаттолик намуналарини яратишда ҳамда иморатларнинг пештоқига безак сифатида Қуръон оятларини битишда фойдаланилган. XУII аср ўрталарига келиб, бу ёзув ўз ўрнини яна бир ёзув тури ҳисобланган сулс ёзувига бўшатиб берган. Сулс ёзувида эса, Қуръон нусхалари тўлалигича яратилган эмас, балки унинг айрим оятларигина ёзилган.

### 3. Райхоний ёзуви ёки хатти райхоний-

Ҳозиргача шарқ палеографиясида бу ёзув турига аниқ таъриф берилмаган. Бир хил олимлар райхоний ёзуви билан муҳаққақ ёзуви ўртасидаги фарқ райхоний ёзувидаги чизиқларнинг фақат ингичкалиги ва гўзаллигидан иборат, бундан бошқа улар ўртасида фарқ йўқ десалар, бошқаларнинг фикрича, агар муҳаққақ ёзувидаги ҳарфларнинг ўзаро мутаносиблиги қонун-қоидасига риоя қилган ҳолда насх ёзуви билан бир хил ҳажмда ҳарфлар ёзилса, бу райхоний ёзуви бўлади. Яна учинчи тоифа олимларининг фикрича, муҳаққақ ёзувида айрим ҳарфларни ташкил этувчи доиралар квадратга яқинроқ туради. Райхоний ёзуви ҳам муҳаққақ ёзуви билан бир хил функцияни бажарган ва XУII асрнинг ўрталарига келиб, ўрнини насх ёзувига бўшатиб берган ва истеъмолдан чиқиб кетган. Яна шуни айтиш жоизки, XIY-XY асрлардаёқ айрим хаттолар бу ёзувни қўлёзмаларнинг ҳошияларида ишлата бошлаган эдилар.

### 4. Сулс ёзуви ёки хатти сулс-

Ўрта асрларда бу ёзув мусулмон оламининг барча худудларида энг кенг

тарқалған ёзув турларидан әди. Бу ёзувни муҳаққақ ёзуви билан қиёсласак, муҳаққақ ёзувида тантанаворлик, улуғворлик акс этиб турса, сулс ёзувида эса, ўзига хос майинлик, нозиклик устун туради. Бу ёзувда ҳарфлардаги йүғон ёзиладиган қисм билан ингичка ёзиладиган қисм ўзгача бир нозиклик билан алмашиналади. Бу ёзувда чизиқларнинг учдан бир қисми тўғри чизиқдан ва учдан икки қисми эгри чизиқ ва думалоқ шаклдан иборат бўлгани учун бу ёзув «сулс»- » деб аталган. (арабчада бу сўз «учдан бир» маъносини билдиради). Ўрта аср анъаналарига биноан, ҳукмронларнинг расмий кўрсатмалари, фармонлари шу ёзувда битилган. Шунингдек, қўллөзмаларнинг титул вараглари, охирги сахифаси сулс ёзувида амалга оширилган. Меъморий ёдгорликларда безак ўрнида ишлатилган сулс ёзувларини ҳам учратиш мумкин. Бундан ташқари сулс ёзувида хаттотлик ёзуви намуналари ҳам яратилган.

### 5. Тавқиъ ёзуви ёки хатти тавқиъ-

Бу ёзув тури хатни тез ёзишга мўлжалланган, ҳарфларнинг шакли думалоқ бўлган ёзувдир. Ўрта аср хаттотларининг фикрича, бу ёзув сулс ёзувидан келиб чиқкан ва унинг модификациясидир. Бу ёзув турида ҳарфларнинг ҳажмидаги ўзаро мутаносиблик сулс ёзувидаги мутаносиблик билан бир хил бўлса-да, уларнинг бир-бирига уланиши сулс ёзувидан фарқ қилган. Чунки бу ёзув турида элементларнинг олтидан бир қисми тўғри чизиқли элементлардан иборатdir. Шундай қилиб, тавқиъ ёзуви мавжуд бўлган етти ёзув тури ичida энг тез ёзиладиган ёзув ҳисобланган. Бу ёзувда ҳарфларнинг барча элементлари бир хил йўғонликда ёзилади ва унда йўғон элементларнинг ингичка ёзувлар билан алмашиниш ҳодисаси учрамайди. Бунга эса-қамишқаламнинг учини бошқачароқ чиқариш йўли билан эришилган. Тавқиъ ёзувида нафақат бир сўз ичидаги ёзувлар, балки айрим сўзлар ҳам қўшиб ёзилган. Ислом оламида бу ёзувдан ҳукмронлар у ёки бу фармонга, кўрсатмага имзо қўйишида фойдаланганлар. Бундан ташқари давлат

аҳамиятига молик бўлган муҳим ҳужжатлар, қозиларнинг чиқарган ҳукмлари ҳам шу ёзувда битилган. Вақт ўтиши билан XIY асрдан кейин қўлёзмаларнинг сўнгги саҳифалари, ундаги турли хил қўшимча маълумотлар шу ёзув билан битилган. Дунёвий мазмундаги қўлёзмалар, ҳамда Қуръоннинг янги кўчирилган нусхаларининг ҳошиялари ҳам кўпроқ шу ёзув турида ёзилган.

#### 6. Риқо ёзуви ёки хатти риқо-

Бу ёзув тури тавқиъ ёзувининг кичрайган шакли бўлиб, у ҳам сулс ёзуви базасида вужудга келган. У ҳам ҳукмронларнинг фармон ва ёрлиқларини ёзишда қўлланилган. Риқо ёзуви ўзининг ҳусусиятлари билан тавқиъ ёзувидан фарқ қилмайди. Фақат риқо тавқиъга қараганда майдароқ ва ингичкароқ ёзилади. Қисқа қилиб айтганда бу ёзув ҳам тез ёзишга мўлжалланган, ҳарфлари думалоқ шаклли ёзувдир. Бу ёзувнинг тараққиётини қузатган олимларнинг фикрича, бу ёзув кичкина қофоз варакчаларига ёзиладиган шахсий мактубларни ёзишга мўлжаллаб яратилган ёзувдир. Шунинг учун ҳам бу ёзув риқоъ- кичкина қофозга ёзилган хат демақдир. Кейинчалик бу ёзувда кўнгилочар мазмундаги қисқа-қисқа ҳикоячалар ҳам ёзила бошлаган. Шунингдек, Қуръон, ҳадислар ва дунёвий мазмундаги қўлёзмаларнинг титул вараги ва охирги саҳифаси ёзилган ва бунда қўлёзманинг кўчирилган жойи, санаси, хаттотнинг исми, асарнинг номи, баъзан қўлёзмани кўчиришга буюртма берган шахснинг исми ва ҳоказолар ёзилган. Тавқиъ билан риқоъ ўртасидаги ўхашашлик охир-оқибатда шунга олиб келганки, кейинчалик риқоъ термини остида ҳам тавқиъ ёзуви, ҳам риқоъ ёзуви тушунила бошлаган.

#### 7. Насх ёзуви ёки хатти насх-

«Насх» сўзининг лугавий маъноси «йўқ қилиш, бекор қилиш, чизиб ташлаш»дир. Термин сифатида у «бошқа хат турларини бекор қилувчи» маъносида қўлланилган. Бу ёзув ҳозирги кунгача ҳам бутун мусулмон

Шарқида энг кўп тарқалган ва энг оммабоп ёзув туридир. Ҳозирги кунда босма усулда чиқаётган барча китоблар, журналлар, газеталар ва ҳакозолар насх ёзуви базасида нашрдан чиқади. Бу ёзувнинг бу даражада кенг тарқалишига сабаб унда ҳарфларнинг аниқ, равшан, ўзаро мутаносиб равишда бир-бирига уланиши ва энг асосийси, уни ўзлаштиришнинг нисбатан осонлигидир. Бу ёзув тури ҳарфлар шакл ва ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги қоидаси асосида шаклланган. Насх ёзуви X аср охиридан бошлаб ишлатила бошлаган. Кейинги икки ярим асрлик муддат ичидан ундан «насхи эроний» деб аталадиган варианти вужудга келган. Бу эса машхур хаттот ва олим Ёқут Мустаъсимий фаолияти билан боғлиқдир. XIII-XIV асрларда мўғуллар босқини билан боғлиқ ҳолда бу ёзув бир оз эътибордан четда қолган бўлса ҳам, у Эрон ва Ўрта Осиёда XYII аср охири-XVIII аср бошларигача хукмронлик қилган. Уни машхур хаттот Аҳмад Найризий бир оз ўзгартирган ва уни настаълик ёзуви яқинлаштирган. Гарчи XIY аср охирида янги настаълик ёзуви пайдо бўлиб, уни бир оз чеккага сурган бўлса ҳам, насрий асарларнинг кўпчилик қисми насх ёзувида китобат қилинган ва XX аср бошларигача насх ёзуви билан настаълик ёзуви хаттотлар учун асосий ёзув тури бўлиб хизмат қилган.

Биз юқорида кўриб ўтган ёзув турлари келиб чиқиши нуқтаи назаридан арабий хисобланган, анъанавий ва мумтоз ёзув турлари деб тан олинган ва улар араб мамлакатларида, Эронда ва Ўрта Осиёда кенг қўлланиб келинган.

Бундан ташқари Темурийлар даврида Хурросон ва Мовароуннаҳр худудларида вужудга келган ёзув турлари ҳам мавжудки, уларнинг асосийлари «таълиқ», «шикастайи таълиқ», «настаълиқ» ва «шикастайи настаълиқ» ёзувлариdir.

Хуллас, араб оламида шаклланиб, амалда қўллана бошлаган араб ёзуви кейнчалик шундай тараққий этганки, унда вужудга келган ёзув турлари ҳақиқий санъат даражасига кўтарилиган ва бу ёзувларда битилган қўллётмалар

хозиргача ҳам дунё миқёсида шарқ қивилизациясининг типик намунаси сифатида эъзозланиб келинмоқда.

### **Таянч иборалар ва бирикмалар:**

1. Набатий ёзуви.
2. Уммул-китоб.
3. Али ибн Абу Толиб.
4. Ибн Муқла.
5. Али ибн Ҳилол.
6. Ёқут Мустаъсимий.
7. Етти ёзув тури.
8. Насхи Эроний.
9. Куфий ёзуви.
10. Куфийи бannoий.
11. Гулли куфий.
12. Мұхаққақ.
13. Райхоний ёзуви.
14. Бойсунғур Мирзо.
15. Сулс ёзуви.
16. Тавқиъ ёзуви.
17. Риқо ёзуви.
18. Насх ёзуви.
19. Аҳмад Найризий.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Араб ёзуви қайси ёзувдан пайдо бўлган?
2. Араб ёзувидаги 28 ҳарф қандай вужудга келган?
3. Араб ёзувидаги ҳаракатларни ким ёзувга жорий қилган?

4. Араб ёзувидаги дастлабки ёзув тuri қайси бўлган?
5. Араб ёзувини дастлаб такомилига етказган шахс ким?
6. Ибн Муқланинг ислоҳотини гапириб беринг.
7. Ибн Муқланинг ислоҳоти асосида нечта ёзув тuri пайдо бўлган?
8. Ибн Муқланинг ислоҳоти нимага асосланган?
9. Ибн Муқла ишининг давомчилари ким бўлган?
10. Куфий ёзувининг қандай турлари бор?
11. Муҳаққақ ёзуви қачон шаклланган?
12. Муҳаққақ ёзувида асосан нималар кўчирилган?
13. Райхоний ёз уни билан муҳаққақ ёз уни ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
14. Ёзув турларидан бири нима учун сулс деб айтилади?
15. Тавқиъ ёзувида асосан нималар битилган?
16. Тавқиъ ёзуви қайси ёзувдан келиб чиқкан?
17. Насх ёзувининг кенг тарқалишига сабаб нима?
18. Нима учун бу ёзув насх деб аталади?
19. Насх ёзуви қачондан қўллана бошлаган?
20. Хуросонда шаклланган ёзув турларидан қайсиларини биласиз?

## **5-мавзу: Шарқ қўлёзмаларининг пайдо бўлиши ва умумий хусусиятлари. 2 соат**

### **Режа:**

1. Шарқ қўлёзмаларининг умумий хусусиятлари
2. Араб оламидаги биринчи қўлёзма китоб (Куръоннинг биринчи тахрири).
3. Куръоннинг иккинчи тахрири

Шарқ ва шу жумладан Ўрта Осиё халқлари қўлёзмаларининг асосий хусусияти шуки, бу халқлар ислом дини шаклланган даврдан бошлаб 14 аср давомида илмий ва бадиий асарларини на фақат ўзларининг она тилларида, балки араб ва форс тилларида ҳам яратгандар. Тарихда Ўрта Осиё билан Эрон ўртасида, шунингдек араб мамлакатлари ўртасида чегара бўлмаган. Шунинг учун араб тилидаги қўлёзмаларнинг бир қисми Ўрта Осиё ҳудудида яратилган бўлса, қолган қисми араб мамлакатларидан ёки Эрондан олиб келинган бўлиши мумкин. Худди шундай гапни форс тилида қўлёзмаларга нисбатан ҳам айтиш жойиз. Шундай қилиб Ўрта Осиё ҳудудида туркий тилларда битилган қўлёзмалар билан бир қаторда араб ва форс тилларида битилган қўлёзмалар ҳам мавжуддир. Фикримизнинг далили учун қуйидаги рақамларни факт сифатида келтирамиз: Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг ҳазинасида ҳозир 17 мингдан зиёд қўлёзма китоблар сақланмоқда. Шуларнинг 10 фоиздан ошикроғи яъни қарийб 1700 таси туркий тилда битилаг қўлёзмалардир. Тахминан 30 фоизини форс тилида битилган қўлёзмалар ташкил этади. Бу эса 5000 дан зиёд қўлёзмадир. Қолган 6- фоизи эса, араб тилида яратилагн қўлёзма китоблардир. Шунинг учун Ўрта Осиё халқлари қўлёзмаларининг палеографияси ҳақида гап борганда, туркийзабон қўлёзмалар билан чегараланиб қолмасдан, араб ва форс тилларида яратилган қўлёзмаларни ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

YII асрнинг бошларида ислом динининг юзага келиши араблар ҳаётида юз берган ижтимой – сиёсий ва маданий - маънавий ўзгаришга сабаб бўлди. Ислом дини ўзининг дастлабки босқичи пайғамбарамиз Муҳаммад С.А. В. нинг якка ҳолда олиб борган даъват ва ташвиқотларидан иборат бўлган. Ҳазрати пайғамбаримиз С.А.В. янги ислом динини Оллоҳ томонидан фаришта Жаброи (Жибрил) орқали нозил этилган ваҳийларни одамларга оғзаки етказиш йўли билан даъват қилганлар. Бу тўғрида пайғамбаримиз ўзлари ҳам бир неча бор таъкидлаб марҳамат қилганларки, Қуръони карим Ал-лавху-л-маҳфузга дунё яратилмасдан илгариёқ битиб қўйилган ва у етти қават осмоннинг устида сақланиб келинмоқда, ҳамда бу қуръон оятма-оят энди ер юзига ҳазрати Жаброил орқали нозил этилмоқда. Лекин пайғамбаримиз С.А.В. нинг ҳаётликлари даврида нозил бўлган бу оятлар ёзиб битик шаклига келтирилмаган эди.

Ўша даврда Қуръонни деярли барча мусулмонлар ёддан билар эдилар. Ҳатто айrim саводли одамлар унинг айrim сураларини тахтачаларга, териларга ёзиб қўйган ҳам эдилар.

Пайғамбаримиз вафотларидан кейин у зотга тушган оғзаки ваҳийларни тўплаш, уларни тартибга солиш ва уни ёзиб бир китоб ҳолига келтириш зарурати туғилган. Қуръоннинг мукаммал матнини яратиш ва уни китоб ҳолига келтириш вазифаси пайғамбаримиз ҳаётлик даврларида у зотга котиблик қилган Зайд ибн Собит исмли сахобага юклатилган. Бу топшириқни Зайд биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ ҳукмронлиги пайтида (632-634 йй) бажарган. Шундай қилиб оғзаки ваҳийлардангина иборат бўлган Қуръон китоб шаклидаги ёзма қуръонга айланган. Шундай қилиб, мусулмон Шарқи оламида биринчи қўлёзма китоб вужудга келган. Бу иш ҳижрий 12 йилда бошланиб, бир йил давом этган. Демак арабларнинг биринчи қўлёзма китоби 13 ҳижрий-635 мел. йилда вужудга келган.

Қуръони каримнинг китоб шаклига келиши бу билан ниҳоясига

етмаган. Чунки Зайд ибн Собит қўлидан чиққан бу қўлёзма куръон билан

## **6-мавзу: Араб ёзувининг Хуросон ва Моварауннахрга кириб келиши. 2 соат**

### **Режа:**

1. Араб ёзувининг кириб келиши сабаблари
2. Араб тилида йўқ бўлган товушларнинг араб ёзувида ифодаланиши
3. Араб ёзуви асосидаги форс ва эски ўзбек ёзувининг шаклланиш этаплари
4. Хуросон ва Моварауннахрда маънавий тараққиётнинг юксалишида араб ёзувининг тутган ўрни.
5. Хулоса

Араблар ислом дини билан бирга Хуросон ва Моварауннахрга ўз ёзувларини ҳам олиб киргандар. Бу ёзув аста-секин бу худудларда тарқала бошлаган ва Аббосийлар хукмронлигининг иккинчи асли ўрталарида (Х аср бошларида) Эрон худудида амалда қўлланиб турган паҳлавий ёзувини ва Ўрта Осиёдаги ёзувларни бутунлай истеъмолдан сиқиб чиқарган. Араб ёзувининг бунчалик тез тарқалишига сабаб, биринчидан, муқаддас китоб ҳисобланган Қуръони карим шу ёзувда ёзлган бўлса, иккинчидан, араб ёзуви мавжуд маҳаллий ёзувларга қараганда соддароқ ва ўрганиш қулай ёзув бўлган.

Хуросон ва Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси араб ёзувини ҳеч бир ўзгаришсиз қабул қилған, лекин бу янги ёзувга ўтиш жараёни анча узоқ давом этган. Шуни таъкидлаш лозимки, араб тилида бор бўлиб, маҳаллий тилларда йўқ бўлган товушларни билдирувчи ҳарфлар ҳам маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинган. (се, зол, хойи ҳуттий, айн, итки, изги, сод, зод ҳарфлари). Бу ҳарфлар ифодаланган товушлар форс ва туркий тиллар фонетикасига ёт товушлардир. Лекин бу ҳарфлар қабул қилиниб, улар форс ва туркий

тиллардаги ўша товушга энг яқин товуш сифатида талаффуз қилинган. Мас., се, сод ҳарфлари син ҳарфи каби, зол, зод, изги ҳарфлари зе ҳарфи каби, итқи ҳарфи те каби, ҳойи хуттий ҳарфи ҳойи ҳавваз каби талаффуз қилинган. Ҳар ҳолда раб ёзуви форс ва туркий тиллар фонетикаси учун мос ва талабга жавоб берадиган даражадаги ёзув эмас эди. Чунки араб ёзуви форс ва туркий тиллардаги товушларнинг ҳаммасини ифодалай олмас эди. Шунинг учун форс ва туркий тилларда мавжуд бўлган п, г, ч товушлари ва форс тилининг ўзида мавжуд бўлган ж товуши дастлабки пайтларда араб ёзувидаги бе, коф, жим, зе ҳарфлари ёрдамида ёзилаверган. Хурсон ҳудудида араб ёзувини биринчи бўлиб ким ва қаерда форс тили ишлатилагнилиги номаълум. Лекин ҳар ҳолда бу жараён Хурсоннинг ҳар ер-ҳар ерида охитиялик равишда амалга ошган бўлса керак. Бу ёзувни қўллашга ҳукмронларнинг маъмурий-хўжалик эҳтиёжлари ҳам сабаб бўлган бўлса керак, чунки араб ёзуви маҳаллий ёзувларга қараганда соддароқ, ишлатишга қулайроқ ва тез ёзиш учун мос ёзув бўлган.

Араб ҳарфлари асосидаги форс ва туркий тиллар ёзувининг шаклланиши уч босқични ўз ичига олади:

1-босқич. Бу ёзувнинг шаклланиши ва тараққиётининг бошланиш босқичи. Араб ёзуви форс ва туркий тиллар учун қўллана бошлаган дастлабки пайтда айрим муаммолар юзага чиққан, чунки бир тилнинг ҳарфлари иккинчи бир тил учун ишлатилганда бундай муаммонинг юзага келиши табий эди. Мас., араб тилида мавжуд бўлган «ал-» аниқлик артикли ёки сўз охирида учрайдиган та марбута ҳарфига зарурат йўқ эди. Чунки бу нарсаларнинг ўзи форс тилида та марбута устидаги икки нуқта олиб ташланиб, ҳойи ҳаввазга айлантирилган ва у-э товушини билдира бошлаган. Ёки араб тилида мавжуд бўлган ҳамза белгиси айрим бирикмаларда изофаликни билдириш учун ишлатила бошлаган. Араб ёзувининг форс тилига мослаштириб олиш IX асрда амалга ошган.

2-босқич. Бу босқич араб ҳарфлари асосидаги форс ва туркий алифбонинг шаклланиши ва бу билан боғлиқ ҳолда араб ёзувидаги содир бўлган айрим сифат ўзгаришлари билан характерланади. Бу босқичда маҳаллий филолог олимлар маҳаллий тилларда мавжуд бўлиб, араб тилида йўқ бўлган товушларни ёзувда акс эттириш учун тўртта ҳарф ижод этадилар ва бу ҳарфлар пе, чим, же ҳарфлари дидир. Бу ҳарфларнинг ёзувда қўллана бошлини Х асрнинг бошларида амалга ошган. Г товуши учун улар \_\_\_, \_\_\_, \_\_\_ ҳарфларини яратганлар. Лекин бу ҳарфлар нимагадир амалда қўлланилмаган ва XVI-XVII асрларга келиб г товуши учун коф ҳарфининг устига параллель чизик тортиш расм бўлган. \_\_\_ Бу чизик форсларда «саркаш» деб айтилади. Шундай қилиб, нисбатан анча катта бўлган муддат давомида 32 ҳарфдан иборат бўлган ва араб ҳарфларига асосланган форс ва эски ўзбек ёзуви вужудга келган. Бу 32 ҳарф 18 та шаклдан иборат, қолганлари ўзаро нукталарнинг сони билангина фарқ қиласи.

3-босқич. Бу босқич арабларда мавжуд бўлган етти ёзув турини ўзларига мослаштириш йўли билан янги ёзув турларини ижод этиши босқичидир. Агар арабларда ёзувнинг етти тури мавжуд бўлган бўлса, (куфий, муҳаққақ, райхоний, насх, сулс, тавкиъ, рико), Хурросон ва Моварауннахр қалам соҳиблари ўзларининг эстетик дидлари ва бадиий қобилияtlаридан келиб чиқиб, XIY аср иккинчи ярмидан бошлаб, юқоридаги етти ёзув турини янада ривожлантирганлар ва уларнинг базасида яна янги тўрт ёзув турини ижод этганлар (таълик, шикастайи таълик, насталик, шикастайи насталик). Булар ичида кейинчалик энг кенг тарқалган ёзув насталик ёзувидир.

Араб ёзувининг ҳарфларидаги эгри ва тўғри чизиқли элементларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳарфларнинг бир-бирига ҳажман мутаносиблиги, бу ҳарфлар билан аниқ ва чиройли қилиб ёзишга бўлаги интилиш маҳаллий хаттотларга ижодий изланиши ва ўзларидаги эстетик талабни қондиришлари

учун улкан ва туганмас имкониятлар эшигини очиб берган.

Ўрта асрларда Хурросон ва Мовароуннахрда маънавий ва руҳий маданият жуда кўп аспект ва шаклларда намоён бўлган. Шу шакллардан бири шубҳасиз, хаттотлик санъати эди. Санъатнинг бу тури аҳоли ўртасида жуда юқори баҳоланагн. У юксак заковат ва иқтидорнинг мезони ҳисобланган. Шунинг учун бу санъат тури эъзозланагн ва юқори қўйилган. «\_\_\_\_\_ -Ёзув ярим олимлиқдир» деган ҳадиси шариф ислом оламида кенг тарқалган.

Барча мусулмон ўлкаларида бўлгани каби, Хурросон ва мовароуннахрда ҳам ислом дини тасвирий санъатни чеклаган эди. Шунинг учун хаттотлиқдаги бадият жуда кўп соҳаларда, хоҳ у меъморчиликда бўлсин, хоҳ сопол идишлар хунармандлигида бўлсин, хоҳ тўкувчиликда, каштачиликда бўлсин, хоҳ китоб яратиш соҳасида бўлсин, нақшинкор безак санъати қурилмаларининг асосини ташкил этган. Айниқса қўлёзмаларда китобларни расмлар билан безаш анча чекланган бўлганлиги сабабли, улар асосан чиройли ёзиш йўли билан санъат асари даражасига олиб чиқилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, хаттотлиқдаги бор маҳоратни ишга солиб яратилган қўлёзма китоблар кўпчилик китобхонлар массаси учун яратилмас эди. Чунки у жуда қиммат турар эди ва у хаттотнинг меҳнати учун ҳақ тўлай оладиган табака учунгина яратилар эди. Битта қўлёзма китобни ёзиб вужудга келтиргунча Европада мураккаб композицияга эга бўлган улкан картинани яратишга кетганчалик вақт ва меҳнат сарф бўлар эди. Бундай қўлёзмаларни яратишга жуда қаттиқ талаблар қўйилар эди. Қўлёzmанинг ҳажми қанчалик катта бўлмасин, бошдан оёқ у бир хил катта-кичиклиқда ва бир хил ёзув турида ёзилган бўлиши шарт эди. Ҳарфлар ва уларнинг ўзаро боғланишидаги мутаносиблиқ, эгри ва тўғри чизиқлар йўғон ва ингичка чизиқларнинг ўзаро уйғунлиги, сўздаги ҳарфларнинг ва сатрдаги сўзларнинг ўзаро жойлашиши ва шу каби профессионал деталлар қўлёзма яратилиб бўлганидан кейин мутахассис

олимлар учун жуда катта мунозара ва бахс учун материал бўлиб хизмат қилас эди. Бу услубда яратилган қўлёзманинг тақдири ҳам олдиндан ҳал бўлар эди. У бирор ҳукмдорнинг шахсий кутубхонасини ёки саройдаги кутубхонанинг жавонини безаб турадиган китоб бўлар эди. Шахсий кутубхоналарда бундай қўлёзма китобларни сақлаш амалдорлар учун ҳавас ҳисобланар эди. Шунинг учун Хурросоннинг шаҳаншохлари, Мовароуннахрнинг ҳоқонлари, Ҳиндистоннинг рожалари бундай қўлёзмаларга буюртмалар берганлар, уларни қидириб топғанлар ва Европада қирол ва императорлар қимматбаҳо картиналарнинг тўпламини сақлаганлари каби, қўлёзмаларнинг мажмуасини ийифиб, кутубхоналар ташкил этганлар ва уларни асраб-авайлаганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтмишда яратилган қўлёзмаларимиз бизнинг маънавий қадриятларимизнинг муҳим элементларидан биридир.

### **Таянч иборалар ва бирикмалар:**

1. саркаш
2. таълик
3. шикастайи таълик
4. настаълик
5. шикастайи насталик
6. ёзувнинг тури

### **Назорат учун саволлар:**

1. Хурросон ва Ўрта Осиё араб ёзувига қачон тўла ўтган?
2. Арабларда йўқ бўлган товушлар муаммоси қандай ҳал этилган?
3. Гоф ҳарфининг ҳозирги шакли қачон шаклланган?
4. Араб ёзувига ўтиш неча босқичдан иборат?
5. Араб ёзувига ўтишнинг 1-босқичи нимадан иборат?
6. Араб ёзувига ўтишнинг 2-босқичи нимадан иборат?

7. Араб ёзувига ўтишнинг 3-босқичи нимадан иборат?
8. Хурросон ва Ўрта Осиёда ёзувнинг қайси турлари шаклланган?
9. Хаттотликка аҳолининг муносабабти қандай бўлган?

## **7-мавзу: Араб қўлёзмаларининг палеографик хусусиятлари. 4 соат**

### **Режа:**

1. Араб қўлёзмаларининг таркибий тузилиши
2. Қўлёзмалардаги безаклар
3. Қўлёзма ёзилган ёзув қуроллари
4. Қўлёзмаларнинг муқоваси
5. Қўлёзма ёзилган материаллар
6. Хулоса

Қўлёзмаларнинг моддий характеристикаси ҳам у ёки бу халқнинг тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу жумладан, шарқ халқлари қўлёзмалари ҳам шу халқларнинг тарихидаги жуда қўп масалаларга ойдинлик киритиш мумкин.

Илк қўлёзмалари кибтий (копт) қўлёзмалар билан ўхшашлиги бор. Кибтий қўлёзмалар эса, ўз навбатида қўлёзмаларнинг ҳажми, унинг муқоваси, ундаги безаклар нуқтаи назаридан антик қўлёзмалардан андоза олган. Ўрта аср араб қўлёзмалари умуман олганда қоғозга ёзилган ва унинг ташқи кўриниши содда (безаксиз) бўлган. Уларнинг ҳажми бўйи 18-35 см, эни эса 13-25 см. лар ўртасида бўлган. Жуда кичик ёки ўта катта ҳажмдаги қўлёзмалар жуда кам, шунингдек эни бўйидан узун қўлёзмалар ҳам йўқ ҳисоби. Қўлёзма саҳифаларида матн тўғри тўртбурчак шаклидаги рамка ичига ёзилган. Ёзув сатрлари тўғри чизиқли бўлиб, эгри-буғри, паст-баланд чизиқларга ёзиш расм бўлмаган. Сатрлар орасидаги масофа ҳам бир хил

бўлган рамкадан ташқарига чиқмасдан ёзилган. Рамка баъзан текстлар ёрдамида ҳосил қилинган ёки бир ёхуд ундан ортиқ чизиқлар ёрдамида ажратилган. Турли бўёқлар билан чизилган рамкалар ёки мураккаб шаклда ажратилган рамкалар арабларнинг дастлабки қўллётзмаларида учрамайди. Улар кўпроқ XVI-XIX аср қўллётзмаларига хос белгилардир. Дастлабки илк қўллётзмаларнинг сахифалари эса оқ қоғозга чизилган рамка ва ундаги матнлардангина иборат бўлган. Кўллётзманинг сарлавҳаси, ундаги боблар, қисмлар номлари каттароқ ёзилган ҳарфлар билан, ёки биринчи сўзнинг г устига чизиб қўйиш билан, ёки бошқа рангдаги сиёҳ билан чизиб қўйиш йўли билан ажратилган.

Рамка ташқарисига одатда хаттот ёки китобхон томонидан киритилган изоҳлар ёзилган. Кўллётзмаларда сахифаларни рақамлар билан нумерациялаш дастлаб одат бўлмаган эди. Унинг ўрнига сахифанинг пастки қисмига чап томонга кейинги сахифанинг биринчи сўзи ёзиб қўйилган. Шу сўз ёрдамида навбатдаги сахифа топиб олинган. Бу сўз «ҳофиз»-сақловчи деб аталган. (Тартибни сақловчи маъносида). Баъзан сахифадаги ҳошияга хаттотнинг ўзи ёзиши давомида йўл қўйган хатоларини тўғрилаб кетган. Кўпчилик қўллётзмаларда ҳошиядан ташқарига имкони борича оз нарса ёзишга харакат қилинган. Лекин имкони бўлмаган пайтда турли хил изоҳлар, тушунтиришлар, айрим шархлар, баъзан у ёки бу сўзнинг таржимаси рамкадан ташқарига яъни ҳошияга ёзилган. Буларни ёзишнинг бошқача варианти ҳам йўқ эмас эди. Айрим қўллётзмаларда улар сатр ораисга, майдароқ ҳарфлар билан ёки бошқача ёзув турида ёзилган қўллётзмалар ҳам мавжуд.

Араб ёзувида бош ҳарф шакли бўлмагани сабабли қўллётзмаларда ҳам бош ҳарфлар учрамайди. Абзасларга бўлиш анъанаси ҳам мавжуд бўлмаган. Кўллётма фаннинг қайси соҳасига мансуб бўлмасин, албатта «басмала» \_\_\_\_\_ билан бошланган ва у алоҳида сатрга жойлаштирилган. Шундан сўнг Оллоҳга ҳамду-санолар, сўнг пайғамбарга

салом ва саловотлар ёзилган. Шундан кейин асарни ёзишдан кўзланган мақсад, асар номи, айрим китобларда унинг неча боб ва қисмдан иборат эканлиги тушунтирилган. Асар номи кўпинча биринчи варақнинг биринчи бетига йирик ҳарфлар билан ёзилган. Баъзан у кейинги бетга асосий матннинг бошланиш қисмига ҳам ёзилган. Муаллифнинг исми эса, кўпчилик ҳолларда умуман ёзилмаган.

Араб ёзувида тиниш белгилар жуда кам қўлланилган. Бундай белгилар сифатида юлдузча шакли, юрак шакли ёки учбурчак шакли ишлатилган.

Араб қўллўзмаларидағи асосий безак ёзувнинг ўзи эди. Шунинг учун қўллўзма яратишда хуснихатга жуда катта эътибор берилган. Котиблар, хаттотлар олдига қўллўзма ёзишда ёзиш санъатига катта талаблар қўйилган. Хаттот қўллўzmани қайси ёзув турида ҳарфларни қандай размерда бошлаган бўлса, қўллўzmанинг охиригача ўшандай давом эттириш ва уни бошқа ёзув турига алмаштирилмаслиги керак бўлган.

Қўллўзма яратиш учун энг керакли ёзув қуроли қалам ҳисобланган. У қамишдан ясалганлиги учун қамишқалам деб аталган. Қамишқалам ясаш учун қамишнинг пишган танаси олинган ва унинг бир томони қия қилиб кесилган. Кесилган томонининг учли ўткир қисми ишқаб янада ўткирланган ва силлиқланган. Қамишқалам шарқ халқлари адабиётида жуда кўп ва хўб мақталган. Чунки у ижоддаги барча гўзалликнинг манбаи ҳисобланган. Қамишқалам сифати уни қамишлар ичидан танланишига, қамишнинг йўғонлигига, рангига, қаерда ўсганига боғлиқ бўлган. Қамишқалам ясаш учун ажратилган қамишларни саклашнинг ва қайта ишлов беришнинг ҳам ўзига яраша йўли бўлган. Ўша қоидага амал қилиб ишлов берилган. қамишдан чиройли ва қийналмай ёзадиган қамишқаламлар ишланган. Қамишқалам VII-VIII асрдан XIX асрнинг охиригача асосий ёзув қуроли бўлиб хизмат қилган.

Кейинги ёзув қуроли сиёхдондангина эмас, балки ёзув учун керак бўладиган қуролларнинг мажмуасидан иборат бўлган. Бунга қамишқаламнинг

ўткирлаб туриш учун керак бўладиган қаламтарош, қаламни артиб туриш учун ишлатиладиган пахта, шунингдек китоб шаклига келтириш учун хизмат қиласидиган клей (сирач), бигиз, қисқич, латта, чизғич ва бошқалар. Буларга махсус коробка ажратилиб, ўша коробкада сақланган.

Бу қуролларнинг яна бир муҳими сиёхдир. Сиёх тайёрлашнинг турли рецептлари мавжуд бўлган. Қуюқ ва қора рангдаги сиёх, агар у ёзилгандан кейин ялтираб турса, энг яхши сиёх ҳисобланган. Сиёх тайёрлашнинг икки тури араб қўлёзмаларини ёзишда кўп ишлатилган. Бири ёнфоқдан тайёрланган сиёх бўлиб, бунда ёзилган хат вақт ўтиши билан жигарранг тус олган ва у ялтираб турган. Бу сиёхни ичиш ҳам мумкин бўлган. Иккинчи тури куядан ишланган сиёхдир. Бу ҳозирги тушга ўхшаш бўлган. Бундан ташқари араблар қизил, сарик, қўк, сапсар рангли сиёхларни, шунингдек олтин сувидан тайёрланган зархал сиёхларни ҳам ишлатишган.

Араб қўлёзмалари бадиий жихатдан анча содда бўлган. Безак жуда кам ишлатилган. Улардаги ягона безак биринчи сахифанинг ярмини эгаллайдиган бошланиш қисмидан олдинга қўйиладиган шакл бўлиб, у унвон \_\_\_\_\_ деб аталган. Унвон кўпинча гумбаз шаклда ишланган. У қўк, қизил, зангор, баъзан олтин рангда ишланган.

Бюртма асосида тайёрланган ҳамда султон ёки подшоҳга тортиқ қилиш учун битилган айрим қўлёзмаларнинг биринчи бети миниатюралар билан, турли рангдаги хошиялар ва нақшлар билан безатилган. Бу нақшлар бюртма берган кишининг исми, хаттотнинг исми шарифи, муаллифнинг исми безак сифатида ёзиб қўйилган. Энг кўп безак ишлатилган қўлёзмалар табиийки, Қуръон қўлёзмалариdir.

Муқова масаласига келсак, араблар китобга муқова қилишни дастлабки қўлёзмаларданоқ бошлаганлар. Ҳозир мавжуд бўлган энг қадимги муқовали китоб Мисрда яратилган ва IX-X асрларга мансуб. Бу муқова Ливанда ўсадиган кдер дарахти ёғочидан ишланган, унга фил суюгидан нақшлар

ўрнатилган, у Қуръон нусхасининг муқовасидир. Лекин одатдаги оддий араб кўлёзмалари муқовалари юмшоқ теридан ишланган ёки юмшоқ тери устига прессланган папирус ёки қофоздан тайёрланган картон ёпиштирилган.

Табиийки, ҳар қандай қўлёзмага ҳам муқова қилинавермаган. Чунки, у жуда қимматга тушган.

Муқовасозлик Шарқ мамлакатларида катта аҳамиятга эга бўлган. Қўлёзманинг муқовасига қараб, жамиятнинг бадиий дидини ўрганиш мумкин бўлган. Бошқа санъат ва хунарда бўлгани каби муқовасозликда ҳам араблар ўзларининг анъаналарини давом эттириш билан бирга бошқа халқларнинг ҳам анъаналарини ўзлаштириб, ўзлариники билан қўшиб ривожлантириб боргандар.

Араблардаги асосий ёзув материали папирус, пергамент ёки қофоздан иборат бўлган. Қимматлигига қарамай эчки, мол, кийик терисини қайта ишлаб тайёрланган пергамент хижрийнинг дастлабки йилларида кенг тарқалган. пергамент кўпроқ Шимолий Африкада ишлатилган. Папирус дарахти асосан Мсирда ўсади. У ёзув материаллари сифатида исломдан илгари ҳам анча машхур эди. У хижрийнинг дастлабки уч асида арабларда асосий ёзув материали бўлиб хизмат қилган. IX асрга келиб Хитойдан олиб келинган қофоз пайдо бўлган ва қофоз папирус билан рақобатлаша бошлаган ва кейинчалик папирусни истеъмолдан сиқиб чиқарган.

Четдан олиб келинадиган қофоз Эронда VI аср охир VII аср бошларида Сосонийлар давридаёқ маълум эди. Хижрийнинг биринчи асида халифаликда папирус ва пергамент билан бир қаторда қофоз ҳам ишлатила бошланди. Қофоз ишлаб чиқариш арабларнинг ўзида йўлга қўйилмагунча у кенг тарқалмаган. Қофоз ишлаб чиқаришнинг сири дастлаб Самарқандда маълум бўлган. Самарқандликлар уни асир тушган хитойлик усталардан ўрганганлар (VIII асрнинг иккинчи ярмида) ва икки аср давомида қофоз ишлаб чиқариш Самарқанднинг монополияси бўлган. Фақат X аср ўрталариға

келиб, қоғоз ишлаб чиқарадиган тегирмонлар Сурия ва Ирек шаҳарларида пайдо бўла бошлади. XI-XIII асрларда саноатнинг бу тури Мисрда, Шимолий Африканинг бошқа давлатларида ва Испанияда пайдо бўла бошлади. У ердаги араблардан кейинчалик европаликлар ўрганишган. Таннархи нисбатан арzon тушадиган қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши билан қўлёзма яратиш янги босқичга кўтарилиган. Энди муракаб тузилишга эга бўлган, кўп томли ва катта ҳажмдаги қўлёзмалар ҳам вужудга кела бошлади. Бизгача етиб келган араб қўлёзмаларининг асосий қисми (IX-XIV асрлар) Самарқанд технологияси асосида тайёрланган қоғозга ёзилган. XIV асрдан бошлаб Европада ишлаб чиқарилган қоғозга ёзилган қўлёзмалар пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик бу қоғозлар сифати яхшиланиб борган, миқдори ҳам оша борган. Натижада Самарқанд технологияси асосида тайёрланган қоғоз сифати пастлиги сабабли ўз ўрнини Европа қоғозига бўшатиб берган.

### **Таянч ибора ва бирикмалар:**

1. папирус
2. пергамент
3. қоғоз
4. рамка
5. хофиз
6. унвон
7. тиниш белгилари
8. қамишқалам
9. довот
10. сиёҳ
11. муқова
12. Самарқанд қоғози
13. Европа қоғози.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Дастребаки араб қўлёзмалари қайси элат қўлёзмаларига ўхшайди?
2. Араб қўлёзмаларининг ҳажми одатда қандай?
3. Хофиз сахифанинг қайси жойига ёзилади?
4. Хофиз нима?
5. Қўлёзмалар қандай иборалар билан бошланади?
6. Тиниш белгилари ҳақида гапиринг.
7. Қамишқалам қандай тайёрланган?
8. Яна қандай ёзув қуроллари мавжуд бўлган?
9. Сиёҳ нимадан тайёрланган?
10. Унвон нима?
11. Китоб муқоваси нимадан ишланган?
12. Араб қўлёзмалари қачондан қоғозга ёзила бошланган?
13. Самарқанд қоғози ҳақида гапириб беринг.
14. Самарқандликлар қоғоз тайёрлашни кимдан ўргангандар?
15. Европаликлар қоғоз тайёрлашни кимдан ва қандай ўргангандар?
16. Араб қўлёзмалари қачондан бошлаб Европа қоғозига ёзила бошланган?

### **8-мавзу: Хуросон ва Мовароунахр қўлёзмаларининг палеграфик хусусиятлари. 4 соат.**

#### **Режа:**

1. Бу қўлёзмаларнинг материали.
2. Ёзув қуроллари: қамишқалам, сиёҳ.
3. Қўлёзмалар ёзилган хат турлари.
4. Хуросон ва Ўрта Осиёда шаклланган бадиий санъат мактаблари
5. Қўлёзманинг муқоваси.

## 6. Хулоса.

Араб тилида битилган ва бизга етиб келган қўлёзмаларнинг барчаси қоғозга ёзилган. Қоғоз тайёрланадиган Ўрта Осиёдаги асосий жой VIII асрдан бошлаб, Самарқанд ҳисобланган. Кейинчалик қоғоз ишлаб чиқариш Бухорада ҳам йўлга қўйилган. Ўрта Осиёда мустақил хонликлар вужудга келгач, Қўқонда ҳам қоғоз ишлаб чиқариш вужудга келган. Бу иш билан Қўқоннинг Чорсу ва Қоғозгар деб аталган дахаларида шуғулланишган. Бу шаҳарларда қоғоз асосан қўлда ишланган ва бунда сув тегирмонларидан фойдаланилган. Қоғоз ишлаш учун қурилган тегирмонлар Хиротда ва Ўрта Осиёнинг яна бошқа шаҳарларида ҳам қурилган.

Қўлёзмалар турли навдаги қоғозларга ёзилган. Бу навлар ичида энг кўп тарқалгани «қоғози нимкатоний» деб аталган қоғоз навидир. Қоғоз асосан каноп толасидан ишланган. Қўлёзма ёзиш учун танланган қоғоз аввал ҳар хил рангларга бўялган. Қоғозни бўяшнинг технологияси ва ранг тайёрлашнинг рецепти анча мураккаб бўлган. Шунинг учун рангли қоғозлар кўп холларда бадиий безакларга бой санъат қўлёзмалари учун ишлатилган. Оддий қўлёзмалар эса, кулранг тусдаги қоғозга нимкатонийга ёзилган. Бу қоғозлар миллий шароитда ишлаб чиқарилган қоғозлар эди. Европада ишлаб чиқалирган қоғозга ёзилган Ўрта Осиё қўлёзмалари ҳам йўқ эмас. Лекин улар биринчидан кўп эмас, иккинчидан улар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги қўлёзмалардир.

Қўлёзмалар қамишқаламда ёзилган. Қамишқалам тайёрлаш маълум тажриба ва малака талаб қилган. Қалам тайёрлаш учун танлаб олинган қамиш уриб олинганидан кейин у тўқ жигарранг тусга киргунича сувга ташлаб қўйилган. Маълум муддатдан кейин сувдан олинган қамиш қайта ишловдан ўтказилган ва унинг бўғимлари бор жойдан қаламтарошда қирқилган. Унинг бир томони қия қилиб кесилган ва уни ўткирланган ҳамда қорни ёрилган. Қамишни киркиб, қалам шаклига келтириш учун қамиш тагига маҳсус

сүяқдан ишланган таглиқдан фойдаланишган ва у «найкат» ёки «қаламкат» деб аталган. Безакли санъат қўлёзмаларини ёзиш учун қамишнинг учини тўғри чиқариш катта аҳамият касб этган. Қамишқалам учи чиқарилиб, тайёр бўлганидан кейин уни ерга ишқашган. Бу билан қамиш таркибидаги ёғни кеткизишган ва ёзиб кўришган. Агар қалам билан ёзилган нуқта қоғозда тарқалиб кетмай, ромбик холини сақлаб турса, демак у ёзиш учун тайёр ҳисобланган.

Ўрта Осий ва Хурросондаги хаттотлар одатда қўлёзма учун туш ёки сиёх ишлатишган. Тушни куя ва олчанинг суви аралашмасидан тайёрлашган. Сиёх эса, аччиқтош ва мози (чернильнўй орешек) эритмасидан тайёрланган. Узок вақт ўчмай сақланиб турадиган маҳсус қора ва рангли сиёхларнинг рецепти анча мураккаб бўлган ва турли моддаларни ўз ичига олган. Масалан, суюқ қоғоз елим-сирач, мози, куйдирилган қоразак (купорос), суюқ хина, суюқ ўсма, сачратки илдизидан олинган суюқлик ва бошқалар. Мутахассисларнинг айтишларича, бундай сиёхлар яқин-яқинларгача ҳам ҳеч ўзгаришсиз тайёрлаб келинган. Хатто Бухорода шундай сиёх тайёрлайдиган усталар бўлганки, улар сиёх тайёрлаш технологияси ва таркибини сир сақлашни ва у фақат уларгагина маълум бўлган. Бадиий санъат асарлари ҳисобланадиган қўлёзмалар учун тайёрланган сиёхга ҳушбўй моддалар, масалан, атиргул мойи, мушк-анбар ҳам қушилган. Бундай қўлёзмаларни ўқилганда ундан енгил ҳушбўй хид келиб турган.

Ўрта асрларда мусулмон шарқида қўлёзмалар турли ёзувларда ёзилган. Лекин Ўрта Осиёда XV асргача асосан ёзув турлари насх, сулс, таълик ёзувлари бўлган. Қолган ёзув турлари нисбатан кам қўлланилган. XIV асрга келиб, Хурросонда настаълик деб аталувчи чнги ёзув тури вужудга келган. Бу ёзув тури кўпинча Куръон нусҳалари кўчирилиб келган насх ва девонхоналарда иш қоғозларига ишлатилиб келинган таълик ёзувининг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган. Бу ёзувнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши

хаттотлик санъатининг йирик вакили, Навоийнинг замондоши бўлган Султонали Машҳадийнинг номи билан боғлиқ (1432-1520). Султонали Машҳадий настаълиқ ёзувининг бебаҳо санъат намуналарини яратиши билан бирга, настаълиқ ёзувининг назарияси ва ёзилиш техникасига бағишланган илмий рисола ҳам ёзиг қолдирганки, бунинг натижасида дастлабки қимматбаҳо нақшинкор қўлёзмалар яратишга мўлжаллаб яратилган бу ёзув жуда кисқа муддат ичидаги бошқа барча ёзувларни сиқиб чиқарган ва асосий ёзув тури мақомини эгаллаган ва XV-XIX асрларла Ўрта Осиё ва Хурросонда яратилган қўлёзмаларнинг деярли барчаси мана шу настаълиқ ёзуvida битилган.

Баддий жиҳатдан пишиқ қўлёзмалар албатта бадавлат кишиларнинг буюртмаси билан ёзилган ва бундай қўлёзманинг вужудга келишида уч мутахассис-хунарманднинг меҳнати сингиган: хаттот, миниатюрачи рассом ва муқавосоз. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ва Хурросонда бир неча бадиий миниатюраси рассомлар мактаби мавжуд бўлган. Булар ичидаги санъатнинг энг юқори чуққисига эришган мактаб Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хиротда вужудга келган Алишер Навоийнинг ижоди билан ҳамнафас бўлган миниатюрачи рассомлар мактабидир. Бу мактабга мансуб Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаххиб кабиларнинг яратган санъат намуналари ҳозир ҳам бадиий санъат муҳлисларини ҳайратга солмоқда. Бу бадиий мактаб базасида XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда ҳам худди шундай мактаб шаклланган, лекин у узоқ давом этмаган ва XVI асрнинг сўнгги чорагида тарқалиб кетган. XVII асрга келиб, бадиий санъатда бир оз жонланиш кузатилган ва бунинг натижасида XVII асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда яна бир бадиий санъат мактаби пайдо бўлган.

Қўлёзманинг муқоваси ҳам унинг таркибий қисмларидан бири ҳасобланган ва у алоҳида ҳунарманд томонидан алоҳида тайёрланган. Ўрта Осиёдаги муқовасозлик ўзининг узоқ анъаналарига эга бўлган, лекин унинг

энг ўзига хос тарзда ривожланиши XVIII-XIX асрларга тўғри келади. Ўрта Осиёда қўлёзмалар учун ишланган муқовалар ўзининг тўғри, шакли ва ишланган материали жиҳатидан хилма-хилдир. Бу ерда чаримдан, картондан ишланган муқоваларни, чинор дарахти ёғочидан, қўйма кумушдан ишланган муқоваларни ва бошқа турдаги муқоваларни учратиш мумкин. Лекин булар ичида энг кўп учрайдиган муқовалар чаримдан ишланган муқовалардир. Чармдан ишланган муқовалар ҳам икки хил бўлган: 1. Бир бутун чаримдан ишланган ва ҳамма томони чарм бўлган муқова; 2. Қўлёзманинг тикиладиган жойи чарм бўлиб, қолган жойи бошқа материалдан бўлган муқова. Иккинчи турдаги муқовалар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Чарм муқоваларининг ранги ҳам турлича бўлган. Лекин улар ичида кўп тарқалган зангор, қизил ва сариқ рангли муқовалардир. Муқова қилиш учун картон оддий ёзув қофозини бирбирига ёпишириш йўли билан тайёрланган. Бундай картон мағзайи сохта деб айтилган. Картоннинг яна бир тури қўлёзманинг чеккаси қирқилганидан кейин ҳосил бўладиган қофоз қийқимларини пресслаб қўйиш билан ҳосил қилинган ва бундай кортон мағзайи рихта деб айтилган. Картон муқова тайёр бўлгач, уни ёғли бўёқ билан бўяшган ва устидан лак берилган. Ўрта Осиёда муқовасозликнинг марказлари Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Хива шаҳарлари ҳисобланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида энг яхши муқовасозлар деб қўқонликлар тан олинганлар. Улар саххоф ёки муқовасозлар деб аталган. XVII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда ишланган муқоваларга шу муқовани ишлаган саххофнинг исмини ёзиб қўйиш урф бўлган. Масалан, «камали саххоф Убайдуллоҳ» Кўпинча муқовасозлик иши билан китоббурушларнинг ўзлари ҳам шуғулланишганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш ўринлики, Ўрта Осиё ва Хуросоннинг халқи қўлёзма яратища ўзига хос услугга, ўзига хос анъанага эга бўлганлар ва улар яратган қўлёзмалар ўзининг бетакрорлиги билан дунё маданиятида катта салмокқа эгадир.

### **Таянч ибора ва бирикмалар:**

1. Қоғозгар даҳаси,
2. қоғози нимкатоний,
3. қамишқалам,
4. навкат,
5. қаламкат,
6. мози,
7. Султонали Машҳадий,
8. Хирот миниатюра мактаби,
9. саххоф,
10. Ўрта Осиё миниатюра мактби.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўрта Осиёда дастлабки қоғоз қайси шаҳарда ишлаб чиқарилган?
2. Кўлёзма нимада ёзилган?
3. Қамишқалам қандай тайёрланган?
4. Сиёхнинг таркиби нималардан иборат бўлган?
5. XV-XIX аср қўлёзмалари қайси ёзув турида ёзилган?
6. Хирот миниатюра мактаби ҳақида нима биласиз?
7. Хирот миниатюра мактабининг вакиллари кимлар бўлган?
8. Ўрта Осиёда ҳам миниатюра мактаби бўлганми?
9. Кўлёзма муқоваси нимадан тайёрланган?
10. Чарм муқова неча турга бўлинади?
11. Картон муқова қандай тайёрланади?
12. Картон муқова неча хил бўлган?

**9-мавзу: Ўрта Осиёда яратилган туркий қўлёзмалар. 4 соат.**

### **Режа:**

1. Туркий қўлёзмалар тушунчаси ҳақида.
2. Туркий тилда битилган илк қўлёзмалар.
3. Темурийлар даври ва Шайбонийхон даври қўлёзмалари.
4. XVII-XIX аср қўлёзмалари.
5. Холоса.

Туркий қўлёзмалар жуда катта географик худудда яратилган ва кўчирилган. Булар: Ўрта Осиё, Ғарбий Сибирь, Улар, Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Кавказ орти ўлкалари, Крим, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Кашмир, Миср, Ироқ, Сурия, Болгария, Руминия, Югославия ўлкаларидир. Ва бу қўлёзмалар жуда кўп туркий тилларда, татар, қримтатар, башқирд, қозоқ, ва бошқа тилларда яратилган.

Ўрта Осиё қўлёзмалари ҳақида гапирад эканмиз, яна шуни унунтмаслигимиз керакки, Ўрта Осиёнинг чегараси доимо ўзгариб турган. Темурийлар даврида Хирот ҳам шу районга тегишли бўлса, Бобурийлар даврига келиб, Ҳиндистоннинг шимолий қисми ҳам регионга қарашли бўлган.

Араб графикасида битилган туркий, қўлёзмаларнинг энг қадимиysi XI асрга мансуб бўлиб, у Юсуф Хос Хожибининг «Қутадғу билиг» асаридир. У 1069-1070 (462 хижрий) да ёзилган. Унинг бизгача етиб келган энг қадимий қўлёзмаси XIII асрда битилган. Ундан кейинги қўлёзма Маҳмуд Қошғарийнинг «Днвони луготит-турк» асаридир. У 1073-1074 (466 хижрий) да ёзилган. Унинг энг қадимги қўлёзмаси 1266 (664 хижрий).

Туркий тилда энг кўп қўлёзма битилган давр XVIII-XIX асрдир. XI-XIII асрларда эса улар бармоқ билан санаарли эди. Бунинг сабаби: туркий қўдёзманинг кўпи йўқолиб кетган ёки у даврда асосан араб ва форс тилларидагина қўлёзмалар яратилган.

Ўрта Осиёдаги илк қўлёзмалар Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» ларидир.

(1166 йилда-562 хижрийда вафот этган). Шеърий услубда ёзилган бу ҳикматлар ўша даврдаёқ девон шаклига келтирилган ва туркийзабон аҳоли ўртасида кенг тарқалган.

Машхур Хоразмлик фақих ва филолог олим Муҳаммад ибн Умар Замаҳшарий (1143 йилда-538 хижрийда вафот этган). Хоразм шохи Отсизнинг буюртмаси билан «Муқаддимат-ул адаб» асарини ёзган. Бу асар арабча-туркийча луғат ва туркий тилнинг граматикасига бағишиланган. Бу асар бир неча марта кўчириб ёзилган. Унинг энг қадимгиси 1492 йилда 989 хижрий. Бухорода кўчирилган. Шунингдек у Самарқанд ва Тошкентда ҳам кўчириб ёзилган.

XII аср охири, XIII аср бошларида яшаган мутасаввуф шоир Сулаймон Бақирғоний ёки Ҳаким ота Хоразмнинг Бақирғон деган жойида яшаган. У биринчи диний мазмундаги қасидалар ёзган. «Бақирғон китоби», «Марям китоби», «Охир замон китоби» шулар жумласидандир. Булар қўлёзма шаклида кенг тарқалган ва оммабоп китоблардан ҳисобланган.

XII-XIII асрларда Қаршида Қуръонга туркий тилда тафсир ёзилган. У шартли равишда «Қуръоннинг Ўрта Осиё тафсири» деб аталади (асли номи ва муаллифи ноъмалум). 1212-1213 йиллар-609 хижрий) Али исмли шахс Хоразмда «Қиссайи Юсуф» асарини ёзган ва қўлёзма шаклида ўқилган.

1220 йилда Хоразм муғиллар томонидан босиб олинган. Бу даврда Хоразмнинг Работи Ўғуз деган жойида Насриддин Бурхониддин (у қози бўлган) «Қиссасул анбиё» асарини ёзган. У ўша даврда Работи Ўғузнинг ҳокими бўлган Насриддин Тоқ Буғага тортиқ қилиш учун 1310-1311 (710 хижрий) йилларда ёзилган. Бу асар аҳоли орасида «Қиссаси Рабғуузий» номи билан машҳур бўлган. Бу даврда Хоразмда шоир Қутб «Хусрав ва Ширин» шеърий достонини ёзган. Ҳўжабек Хоразмий деган шоир «Муҳаббатнома» шеърий асарини ёзган. Ҳар икки асар қўлёзма шаклида эл орасида машҳур бўлган.

Темурийлар даврига келиб Ўрта Осиёning маданий марказлари Самарқанд билан Хирот эди. Бу шаҳарларда фанларни ўргатишга, шеъриятга ва санъатга кўпроқ эътибор қаратилган эди. Бу даврдаги шоирлардан XIV аср охири-XV аср бошларида яшаган Хўжандий, XV аср биринчи ярмида яшаган Саккокий, Лутфий (1366-1465), Атойи (XV аср)ларни эслаб ўриш керак. Султон Ҳусайн Бойқаро хукмронлик қилган даврга келиб (1469-1506), шеърият ўзининг энг юқори чўққисига етишган эди. Бу эса, машхур шоиримиз мутафаккир Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ эди. Навоийдан ташқари Ҳусайн Бойқаронинг ўзидан тортиб, Дурбек ва бошқа жуда кўп шоирлар етишиб чиққан эдилар. Бу даврда жуда кўп форсий забон шеърий асарлар туркий тилда қайта ишланиб, туркий адабиёт бойитилган. Бундай бадиий адабиёт намуналаридан ташқари Навоий 1481-1482 (886 хижрий) йилда «Вақфия» асарини ёзган ва бунда ўзига қарашли бўлган ер-мулкни Хиротдаги Ихлосийя масжидига вақф қилиб бериш масаласи кўтарилиган. 1488-1489 (894 хижрий) йилларда Хурсонда яшаб хукмронлик қилган подшоҳларнинг тарихига бағишиланган «Тарихи мулки Ажам» насрий асарини ёзган. Бу асарнинг барчаси қўлёзма шаклида вужудга келган.

тариҳдан маълумки, XVI асрда Ўрта Осиёни Шайбонийлар сулоласи бошқарган. Уларнинг пойтахти ҳам Самарқанд шаҳри эди. Бу сулоланинг асосчиси бўлган Шайбонийхоннинг ўзи ҳам шоир бўлган (1506-1510) ва ўша даврдаги олим ва шоирларга ҳомийлик қилган. Унинг саройида «Шайбонийнома» асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ (1534-941 хижрий) йилда фавот этган. Шунингдек, «Таворихи гузида Нусратнома» номли тарихий асар муаллифи (исми ноъмалум) ҳам саройда яшаган. Бу асар 1502-1503 (908 хижрий) йилда ёзилган. Бу даврда Биноий исимли шоир яшаган. У форсийзабон шеърлар ёзган ва «Ажойиб-ул маҳлукот» номли асарини форсийдан туркийга таржима қилган. 1525 (931 хижрий) йилда мусулмон хукмронларнинг умумий тарихини ёритувчи «Забдатул-асар» номли илмий

китоби вужудга келган. Унинг муаллифи Насруллоий исмли тарихшуносдир.

XVI асрда Бобур Хиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солди. Бобурнинг ўзи бу даврда «Бобурнома» номли мемуаридан ташқари аruz жанрига бағишлиланган «Мубаййин» номли рисоласини ёзган. Бобурийларнинг саройида Барамхон исмли туркман шоири яшаган. (1561 да вафот этган). Унинг ўғли Абдураҳим Мирзо ҳам шоир бўлган ва «Бобурнома»ни форс тилига таржима қилган.

XVII-XVIII асрга келиб, Ўрта Осиёning маданий марказлари сифига Бухоро ва Хива шаҳарлари ҳам қўшилди. Бухорода И момқулихон (1640 йилда вафот этган), Субхонқулихон (1702 йилда вафот этган), Қулшариф (1692 йилда вафот этган), Сўфи Оллоёр (1721 йилда вафот этган), Сайкалий (1797 йилда вафот этган), Турди (1700 йилда вафот этган), Обидий (1828 йилда вафот этган) каби шоирлар яшаб ижод этишган. Хивада эса, туркман қабила бошлиқларининг илтимосига кўра 1661 йилда «Шажарайи тарокима» асарини ва «Шажарайи турк» асарларини ёзган Абулғози Баҳодирхон, Ҳасанқули Аксаний (XVII аср) яшаган. XVIII аср охирида исми номаълум бир тарихшунос Шайбонийнинг қилган юришларига бағишлиланган «Шайбонийнома» асарини ёзган.

XIX асрда Хивада подشاҳ саройида бир қатор тарихшунослар, шоирлар, таржимонлар яшашган. Масалан, шоир Мунис (1778-1829) ва унинг жияни Огаҳий (1809-1874) дунё яратилгандан бери 1825 йилгача ҳукмронлик қилган хонларнинг тарихини ёритувчи «Фирдавсул иқбол» асарини ёзишган. Кейинчалик Огаҳий хонларнинг топшириғи билан бир қатор салномалр яратган: 1825-1843 йилларга доир «Риёзуд-давла» солномасини, 1843-1846 йилларга доир «Зубдатул-таворих» солномасини, 1845-1855 йиллар воқеасига доир «Жамиу воқиоти султоний» солномасини, 1855-1864 йилларга доир «Гулшани давлат» солномасини, 1864-1873 йилларга доир «Шоҳиул-иқбол» солномасини ёзган. Эшмурод Ал-Алавий исмли мударрис 1804

йилдан 1864 йилгача давом эттирган иноқлар сулоласи хукмронлигига бағишлиңган «Тарихи Сайид Мұхаммадхоний» (1861 йилда) ва «Тарихчайи Мұхаммад Ёқубхұжа» тарихий асарини (1863-1864 йилларда) ёзған. Бундан ташқари Хивада Комил Хоразмий (1825-1899), Феруз (Мұхаммад Раҳимхон-II) (хукмронлик йиллари 1865-1910) яшаб ижод этғанлар.

XIX аср бошларига келиб, Құқон ҳам маданий марказлар сафига қүшилди. Бу ерда Амир Умархон (1810-1822) бошчилигида фазлий Наманганий, Гуоханий, Хозик, Махмур, Муқимий, Фитрат, Хамза каби шоирлар етишиб чиқди. XX аср бошларидә эса Рожий (1908 йилда вафот этған), Камеб (1922 йилда вафот этған), Мирза (1922 йилда вафот этған) каби шоирлар яшаб ижод этишгандар.

Булардан ташқари бир қатор илмий асарлар форс тилидан туркій тилге таржима қилинған. Жумладан: Тарихий асарлардан Мирхонднинг (XV аср) «Равтус-сафо» асари, уни XIX аср ўрталарида Рожий номли шахс таржима қилған, Мехдихоннинг (XVIII аср) «Дуррайи Нодирий» асари, уни Мұхаммад Назар ва Оғажий (XIX аср) таржима қилишгандар. Мұхаммад Ҳакимнинг «Мунтахабут-таворих» асари. Уни XIX асрнинг иккінчи ярмида исми номағлум шахс таржима қилған. Тасаввуфга оид 1696-1697 йилларда Мұхаммад Содиқ Янгихисорий томонидан ёзилған «Жомиул-макомот» асари, уни Абулбоқи ибн Баҳоуддин ибн Маҳдуми Аъзам таржима қилғандар. Шунингдек, Восифийнинг «Бадойиул-вақойи» номли мемуар асари (XVI аср) Диловар исмли шахс томонидан таржима қилинған. Албалхийнинг географияга оид «Мажмаул-ғаройиб» асари (1566-1567 йил). Мұхаммад Ҳусайн Маҳдум томонидан таржима қилинған. Бундан ташқари Амир Темурнинг биографиясыга оид «Тузуки Темурий» асари ҳам форс тилидан 1835-1836 йилларда Хотифқули исмли шахс томонидан туркій тилига таржима қилинған.

Үрта Осиёдаги кутубхоналар ҳақида:

Ўрта Осиё ҳудудида жуда бой сарой ва шахсий кутубхоналар қадимдан мавжуд бўлган. XI-XIII асрларда Самарқандда анчагина кутубхоналар шаклланган эди. XII асрда Марвда Сомонийлар сулоласининг кутубхонаси мавжуд бўлган. XIII асрдан бошлаб Рашидиддин исмли шахснинг кутубхонасида (1247-1318) қўлёзма китобларни битадиган хаттот ва бошқа усталарнинг устахонаси ҳам мавжуд бўлган. Бухорода XV аср бошларида Муҳаммад Форс томонидан асос солинган (1419 йилда вафот этган) кутубхона мавжуд бўлган. XV аср бошларида Самарқанд Амир Темур туғилган ва кейинчалик невараси Улуғбекка ўтган кутубхона вужудга келган. Хиротда Бойсунқур мирзо саройи кутубхонасини ташкил этган (1433 йилда вафот этган). У ерда Алишер Навоийнинг ҳам шахсий кутубхонаси мавжуд эди. XVII асрда Бухорода Аштархонийлар сулоласига мансуб шохлардан Абдулазизхон (1645-1680), ва унинг иниси Субхонқулихон (1680-1702) қўлёзмаларини жамлаб кутубхона ташкил этишган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Хивада Муҳаммад Раҳимхон-II нинг кутубхонаси ишлаб турган. XX аср бошларида бир неча шахсий кутубхоналар: жумладан, Бухорода Валидовларнинг кутубхонаси, Тошкентда Жўрабекнинг кутубхонаси ва ҳоказо.

Бобурийлар даврида (XVI-XVII асрлар) Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида маданий алоқалар кучайган эди. Ҳиндистонга Фарғона водийсидан, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардан йирик шоирлар, олимлар, табиблар, хаттотлар, меъморлар, наққошлар таклиф қилинган эди. Шунинг учун Ҳиндистон кутубхоналарида ҳам бир қатор туркий қўлёзмалар тўпланган. Масалан, «Бухоронома» нинг Ҳайдаробод нусҳаси, Калькутта нусҳаси, Бобурнинг XVIII асрда тузилган учта девони, Бобурнинг арузга оид рисоласининг форс тилига таржимаси (уни XVIII асрда Азфарий Қораҳоний Мадрасасида таржима қилинган). Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Лутфий, Зебунисобегимларнинг шеърлари қўлёзмалари ҳазиргача Ҳиндистон

кутубхоналарида сақланмоқда. XIV асрда Хоразмдан Шерозга кетиб қолган Абдураҳим исмли шоирнинг тўплами-у Шерозда машхур шоир Хофиз Хоразмий билан танишган ва ўзига ҳам Хофиз деб тахаллус танлаган. У кейинчалик Хофиз Хоразмий номи билан машхур бўлган. Шу шоирнинг ягона шеърий тўплами ҳам Ҳиндистонда сақланмоқда. XV аср ўзбек шоири Сайд Қосимиининг «Мажмаул-ахбор», «Гулшани роз», «Илоҳийнома» каби дидактик асарлари 1634 йилда кўчирилган нусхаси ҳам Ҳиндистондан ўрин топган. Шунингдек, Улугбекнинг, Али Қушчининг, Ибн Синонинг, Абдураҳмон Жомийнинг араб тилида ёзган асарлари ҳам Ҳиндистон кутубхоналарида сақланмоқда. Ҳиндистоннинг Рампур шаҳрида Туркман шоири Байрамхоннинг, Бобурнинг ўғли Камроннинг ёзган лирик шеърлари билан битта қилиб девон қилинган қўлёзмаси ҳозирча сақсанмоқда.

Хулоса: Ўрта Осиё қадимдан бутунжаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан ҳисобланган ва унда яратилган илмий ва бадиий қўлёзмалар дунё маданиятига қўшилган йирик асарлар муҳим салмоқقا эга.

### **Тачиҷ ибора ва бирикмалар:**

1. Туркий қўлёзмалар тушунчаси,
2. Туркий қўлёзмаларнинг энг қадимиysi,
3. «Муқаддиматул-адаб»,
4. «Қиссасул-анбиё»,
5. Темурийдар даври қўлёзмалари,
6. Шайбонийлар даври қўлёзмалари,
7. Бухоро шоирлари,
8. Хива тарихшунослари,
9. Хивадаги таржимонлик мактаби,
10. Ўрта Осиёдаги кутубхоналар.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Туркий қўлёзмаларнинг географияси қаерларни ўз ичига олади?
2. Туркий қўлёзмаларнинг энг қадимгилари қайси қўлёзмалар?
3. Ўрта Осиёдаги илк қўлёзмалар қайсилар?
4. Хоразмда XII-XIII асрларда яшаган қайси олим ва шоирни биласиз?
5. «Қиссасул-икбол» нинг муаллифи ким?
6. Темурийлар даврида яшаган шоирлар кимлар?
7. Шайбонийлар саройида ижод қилган кимларни биласиз?
8. Бобурийлар саройида ижод қилган кимларни биласиз?
9. Бухорода XVII-XVIII асрларда яшаган қандай шоирлар Сизга маълум?
10. Хивада яшаган тарихнавис олимларнинг қандай асарлари бор?
11. XIX аср бошларидаги Қўқон шоирларидан кимларни биласиз?
12. XIX асрда форсийдан таржима қилинган қандай асарларни биласиз?
13. Ўрта Осиё кутубхоналари ҳакида нима биласиз?

## **10-мавзу: Ўзбек ёзувидаги ўтказилган реформалар. 4 соат.**

### **Режа:**

1. Араб ёзувидаги ислоҳотлар.
2. Лотин ёзувига ўтилиши.
3. Лотин ёзувидаги ислоҳотлар.
4. Рус ёзувига ўтилиши.
5. Рус ёзувида ўтказилган ислоҳотлар.
6. Холоса.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ислом динини қабул қилган кўпчилик туркий халқлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳам 14 аср давомида араб ёзувидан фойдаланиб келган эди. Бу ёзувда 32 та ҳарф мавжуд. XIX асрнинг 70-йилларида Хоразимда, кейинчалик Ўрта Осиёнинг бошқа бир катор шаҳарларида литографик усулда китоб нашр қиласидиган босмахоналар

осилган ва араб ёзувида жуда кўп диний ва дунёвий китоблар нашр этилиши йўлга қўйилган эди. Бироқ араб ҳарифларига асосланган ёзув ўзбек тили товушлари системасини ёзувда ифодалаш учун жуда яроқли алифбо эмас эди. Иккинчидан араб ҳарифларининг сўздаги ўрнига қараб турли шаклларда ёзилиши, айниқса икки шаклли ҳарфлардан кейин келган ҳарфларнинг ёзилиши умумий қоидага тўғри келмаслиги ёш авлоднинг саводини чиқаришда анча қийинчилик туғдирар эди. Шунинг учун бу ёзувни ислоҳ қилиш ва уни туркий тиллар товуш тизимига мослаш ўша даврнинг замон талаби эди. Араб ёзувини яхшилаш, уни туркий тиллар фонетикаси ва морфологиясига мослаб ислоҳ қилишга уриниш XIX асрнинг 50-йилларида бошланганэди ва у озарбайжон маърифатпарварлари М.Ф.Охунов (1812-1878) номи билан боғлиқдир.

Ўзбек тилидаги айрим шевалар унли товушлар 7 дан 10 тагача боради. Араб ёзувида эса, унли товушларни ифодалаш учун атига 3 та ҳарф (\_\_\_\_\_ ) мавжуд. Шунинг учун битта сўзни бир неча хил ўқиш мумкин. Масалан, \_\_\_\_\_ сўзини «гар, кар, кир, гур, гўр, кўр» деб ўқиш мумкин.

1920-1923 йилларда юқоридаги вазиятни эътиборга олиб, ўзбек орфографиясини такомиллаштириш ва мавжуд ёзувни ислоҳ қилиш масаласи қўтарилиди. Бу ҳаркатнинг ташаббускори асосан «Чигатой гурунги» деб аталган филологик жамият эди.

1921 йил январда Тошкентда ўзбек алифбоси масалаларига бағишланган Биринчи ўлка съезди чақирилган ва съезд бу масалада куйидаги таклифни маъқуллаган:

1. Араб ёзувида мавжуд турт шаклнинг биттаси-сўз бошидаги қисми қолдирилсин ва қолган шакллари бекор қилинсин.
2. Куйидаги 8 та ҳарф (\_\_\_\_\_ ) алифбо тартибидан чиқарилсин ва таркибида шу ҳарфлар иштирок этадиган арабий сўзларда ўша ҳарфлар ўрнида алифбо таркибида қолдирилган ҳарф

ёзилсин.

3. Унли ва ундош товушларни ифодалаш учун алоҳида-алоҳида ҳарфлар жорий этилсин.
4. Ундош товушларни ифодалаш учун 23 та, унлиларни ифодалаш учун 6 та ҳарф борлиги эътироф этилсин.

Бироқ ўзбек алифбоси ва орфографияси атрофидаги муҳокама ва мунозаралар съезддан кейин ҳам тўхтамаган. Ва ниҳоят 1923 йил 3-9 октябрь кунлари Бухоро шаҳрида орфографияга бағишиланган конференция чақирилган ва бунда 23 та ундош товушни ифодаловчи ҳарф ва унли товушни ифодаловчи 6 та ҳарфдан иборат ўзбек алифбоси қабул қилинган. Унли товушларни ифодаловчи ҳарфлар қуидагилар эди: \_\_ (е), \_\_ (и), \_\_ (ў), \_\_ (у), \_\_ (а), \_\_ (о).

Имлонинг бу янги қоидаси борасидаги конференция қарори 1923 йил 12 октябрь куни Туркистон Республикаси Маориф комиссари А.Каримов томонидан тасдиқланган.

Лекин бу вақт ўзбек ёзувини лотин алифбоси асосида ёзувга ўтказиш масаласи ҳам вужудга келган ва бу ҳаракат Ўзбекистонда 1920 йили бошланган эди. Кейинчалик 1926 йилда бу масала кенг аҳоли ўртасида муҳокамага қўйилди ва Ўзбекистон Ижрокўмининг IV сессиясида Ўзбекистон Марказий Ижрокўми Президиуми қошида ўзбек алифбосини лотинлаштириш бўйича Марказий Қўмита ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қўмитага И.Охунбоев раислик қилган. 1929 йил май ойида Самарқандда чақирилган имло конференцияси 32 ҳарфдан иборат бўлган биринчи лотин алифбосини қабул қилган. Унгача 1928 йилдан бошлаб 2 та журнал ва 1 та газета тажриба сифатида лотин ёзувида нашр этилиши йўлга қўйилган эди. Лотин ёзувига ўтишнинг охирги муддати Октябрь инқилобининг 13 йиллиги тантаналари, яъни 1930 йилнинг 7 ноябрига белгиланган эди. Давлат ташкилотлари ва муассасалари 1929 йил 1 декабрдан лотин ёзувига ўтганлар.

Бу янги имло қоидасида асосий принцип қилиб фонетик принцип қабул қилинган эди. Ёзувда туркий тилларга хос бўлган сингармонизм қонунияти ўз аксини топган эди ва ёзувда 9 та унли товушни ифодаловчи ҳарф мавжуд эди. Лекин ўзбек тили орфографияси масалаларига бағишланиб, 1934 йил январь ойида Тошкентда чақирилган Республика съездига қарори билан учта товушни ифодаловчи ъ, э, ў, ҳарфлари алифбо таркибидан чиқарилган. Съезд қарори Ўзбекистон Марказий Ижрокўми Президиуми томонидан 1934 йил март ойида тасдиқланган.

1939 йилга келиб, рус графикасига асосланган янгиалифбога ўтиш масаласи кўтарилиган. Ўзбекистонда Министрлар Советида янгиалифбо масаласида комиссия ташкил этилган ва унга академик Т.Қориниёзий раислик қилган.

Ўзбекистон Олий Советининг III сессиясида 1940 йил 8 май куни рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси тасдиқланган. Бу билан боғлик ҳолда ўзбек орфографиясининг янги қоидаси тузилган ва у Ўзбекистон Совнаркоми қошидаги янги алифбо бўйича тузилган ҳукуматкомиссияси томонидан маъқулланган.

1952 йилда ФА Тил ва Адабиёт институтида ўзбек тили орфографияси масаласига бағишланган конференция уюштирилган. Бунда ўзбек орфографиясининг янги қоидалари лойиҳаси муҳокама қилинган. Ва ишни янада такомиллаштириш мақсадида комиссия ташкил этилган ва «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» лойиҳаси бирнеча бор муҳокама қилинган ва ҳар сафар янгидан янги ўзгартиришлар киритилган. Бу лойиҳанинг сўнги варианти кўриб чиқилиб, комиссия томонидан маъқулланган ва 1956 йил 4 апрель куни Ўзбекистон Олий Совети Президиуми қарори билан тасдиқланган. Бу қоидалар ҳозиргacha ҳам ўз кучини сақлаб қолмоқда.

### **Таянч ибора ва бирималар:**

1. М.Ф.Охундов,
2. литографик нашриёт,
3. «Чигатой гурунги»,
4. Лотин ёзуви,
5. 1923 йилги ислоҳ,
6. 1934 йилги ислоҳ,
7. Рус алифбоси,
8. 1956 йилги ислоҳ.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Араб ёзувининг ислоҳ қилиш ҳаракати кимнинг номи билан боғлиқ?
2. Араб ёзувини ислоҳ қилиш ҳаракати қачон бошланган?
3. Ўзбекистонда араб ёзувини ислоҳ қилиш қачон амалга оширилган?
4. Араб ёзуви нима учун ислоҳ қилинган?
5. Лотин ёзувига қачон ўтилган?
6. Лотин ёзуви қачон ислоҳ қилинган?
7. Лотин ёзуви нима учун ислоҳ қилинган?
8. Рус графикасига қачон ўтилган?
9. Рус графикасидаги имло қачон қайта ислоҳ қилинган?